

Мен бу йил ҳисобидан меҳнат таътили олиб бўлганман. Лекин ёз ойларида ўз ҳисобимдан, яъни иш ҳақи сақланмаган таътил олмоқчиман. Бундай таътилни қанча вақтгача олиш мумкин? Агар бошлиқ уни беришни истамаса ҳам мен таътилга чиқиб кетаверишим мумкинми?

6 бет

... мактаб кутубхонасидаги китобларни ижарага беришдан тушган 2 млн. 664 минг сўм пулни кутубхоначидан қабул қилиб олгач, банкка топширмай, ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборганини қандай изоҳлаш мумкин?

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 21-iyun, №25 (806)

Парламентда



2012 йил 19 июнь кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг "Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси (1967 йил 14 июнь) Стокгольм актининг ҳамда Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн Конвенцияси (1971 йил 24 июль) Париж актининг миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилинган нормаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига контрафакт маҳсулотлар олиб кирилишининг оқимин олиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларга доир қисмининг Тошкент шаҳрида ижро этилиши ҳақида"ги назорат-таҳлил яқунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Назорат-таҳлил яқунлари

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи ишлар, Адлия, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Олий суд, Олий ҳужалик суди, Интеллектуал мулк агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вакиллари, эксперт-мутахассислар, Қонунчилик палатаси депутатлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Мазкур назорат-таҳлил яқунларининг асосий мақсади Тошкент шаҳри ҳудудига контрафакт маҳсулотлари кириб келишининг олдини олиш ва назоратини амалга ошириш ваколатига эга идора ва ташкилотларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришдан иборат. Бунда нафақат халқаро конвенциялар, балки қонунлар ва миллий қонунчилигимизнинг бошқа ҳужжатларига имплементация қилинган универсал меъёрларнинг бажарилиши ҳам ўрганилди.

Бугунги кунда контрафакт маҳсулотларининг кириб келиши ва тарқалиш ҳолатларини аниқлаш ва уларга кескин чоралар кўришда божхона хизмати, солиқ идоралари ва бошқа ваколатли органлар изчил курашмоқдалар. Шунга қарамайдан, Тошкент шаҳрининг истеъмол бозорларида контрафакт ва қалбаки истеъмол товарлари муомаласи ханузгача учраяпти. Бу ўз навбатида, бундай қонунбузарликларга қарши кураш борасида янада самарали чоралар кўриш заруриятини юзага келтирмоқда.

Йиғилишда маърузачилар пойтахтда товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номи, фирма номи, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонунчиликнинг ижро этилишини таъминлаш, шаҳар ҳудудидagi савдо мажмуаларида контрафакт маҳсулотларнинг савдо қилиниши, бу борадаги қонунбузулишларга қарши курашда давлат органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш орқали ишлар таъсирчанлигини кучайтириш мақсадига мувофиқ бўлишини таъкидладилар.

Шунингдек, муҳожама жараёнида ҳудудий божхона, солиқ идоралари, "Ўзстандарт" органлари, Интеллектуал мулк агентлиги ва бошқа назорат қилувчи инстанцияларнинг Тошкент шаҳар ички истеъмол бозорларига контрафакт маҳсулотларнинг кириб келишини аниқлаш ва олдини олиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, бу соҳада тизимли назоратни ўрнатиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Муҳожама сўнгида қўмита томонидан контрафакт маҳсулотларни мамлакат ҳудудига, шу жумладан, Тошкент шаҳрига олиб киришининг олдини олишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Бош прокуратурада

Қонунчилик ижросини таъминлаш — муҳим вазифа

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ҳамда унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратуранинг ходимлари, Тошкент шаҳар ва Жиззах вилояти ҳокимлари, прокурорлари ва ички ишлар бошқармалари бошлиқлари иштирок этдилар.

Мажлисда Тошкент шаҳар ва Жиззах вилоятида одам савдосига қарши курашишга қаратилган қонунчилик ижроси, шунингдек, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фирмини ўрганиш маркази томонидан одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш юзасидан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари муҳожама этилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Тошкент шаҳар ва Жиззах вилояти ҳудудий идоралараро комиссиялари, мажмур ҳудудлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, давлат бошқаруви идоралари, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бу борадаги қонунчилик ижросини таъминлаш чоралари

кўрилганлиги қайд этилди.

Жумладан, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, аҳолига унинг оғир оқибатлари хусусидаги маълумотлари етказиш мақсадида тарғибот тадбирлари ўтказиб келинган.

Бу мақсадда чегара ҳудудларда ва жамоат жойларида одам савдоси жиноятларидан оғоҳ этувчи баннер ва плакатлар ўрнатишга, буклетлар тарқатишга алоҳида эътибор берилган.

Амалга оширилган ишлар ўз самарасини бериб, сўнгги йилларда ушбу ҳудудларда одам савдоси жиноятларининг камийиши кузатилган.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фирмини ўрганиш маркази томонидан одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш юзасидан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари сўнгги йилларда ушбу соҳада аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ошганлигини кўрсатган.

Шу билан бирга, комиссия йиғилишида Тошкент шаҳар ва Жиззах вилоятидаги айрим туман ва шаҳар комиссиялари

фаолияти етарли самара бермаганлиги, одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид остига олинди.

Тадбирда жойларда ҳудудий идоралараро комиссиялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви идоралари, жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашишни янада жадаллаштиришлари, ўзаро ҳамкорликни кучайтиришлари лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилиш якунида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарор қабул қилиниб, ижро учун тегишли идораларга юборилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси

Ифтихор

Фуқаролар хизматида

Юртошларимиз истиқлол шарофати билан қўлга киритилган, Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини тасарруф қилишмоқда. Жаҳон ҳамжамияти томонидан Президентимиз раҳбарлигида тарихан қисқа муаллаа мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилган фуқаролик жамиятининг мустақкам асослари яратилгани эътифори эътибори.

Изчиллик билан ўтказилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланыпти. Мамлакатимизда ҳукм сурётган барқарор иқтисодий вазият хориж сармоядорларини жалб қилапти. Киритилаётган инвестициялар, хориж мамлакатлари билан қўшма корхоналарнинг сони, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг миқдори ва турлари кўпайиб борапти. Истикболни қўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат тўғрисида жамиятнинг минималлаштиришга эришилди. Бунини вилоятимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўтган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" да кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари, тайёрланаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматларнинг турлари ва ҳажми сезиларли ортди. Янги корхоналарни ишга тушириш, тадбиркорлик, касаначилик, оилавий бизнесни ривожлантириш ҳисобида минглаб қўшимча иш ўринлари яратилди. Шаҳарсозлик, қурилиш ва ободонлаштириш соҳаларига сармоя ажратиш имкониятлари кенгайди. Президентимизнинг қарори асосида Фарғона шаҳрида кенг қўламли қурилиш ишлари олиб борилапти. Қўна-

лар, йўллар кенгайтирилмоқда, мухташам турар жой, савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари қад ростлапти, спорт иншоотлари, хибонлар барпо этиляпти. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида кўркам, барча қўлайликларга эга уй-жойлар қурилмоқда. Шу тариқа фуқароларга муносиб турмуш шароитлари яратилмоқда.

Президентимиз уқтирганидек, прокуратура органлари фуқароларга хизмат қилишга даъват этилганлар. Вилоят прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мунтазам равишда иш олиб боришмоқда.

Тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қонунлар, Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қарорлари ижросини таъминлаш диққат марказимиздаги масалалардан бўлиб келмоқда. Уларнинг фаолиятларига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш, Назорат-текишув идоралари томонидан шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш натижаларига қўра, қўланилган ҳуқуқий таъсир чоралари ва молиявий санкцияларнинг таъсирлиги ўрганилиб, 4 та ноқонуний қарорларга нисбатан протест келтирилди. Жумладан, Ўзбекистон тумани ДСИ ходимлари томонидан "Яйпан Моҳина Юлдуз" хусусий корхонасида режадан ташқари, қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, нақд пул тушумининг мўйайн қисми яширилганлиги учун 173 минг сўм миқдорда молиявий жарима қўланилган. Ҳолбуки, Солиқ кодексининг 114-моддасига биноан яширилган савдо тушуми миқдориди, яъни 17,3 минг сўм жарима солиниши лозим эди.

/Давоми 4-бетда/

Иллатга қарши курашмоқ керак

Одам савдоси инсон шайни, унинг қадр-қиммати эркинлиги-га қарши бўлган машъум жиноят ҳисобланади. Айни пайтда бу иллат дунё миқёсида қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳар йили миллионлаб инсонлар ана шу жиноятнинг беғуноҳ қурбонларига айланмоқда.

Ш.ҲИНОВ,

Музработ туман прокурори

Бу иллат бугунги кунда бизнинг мамлакатимиз учун ҳам янгилик бўлмай қолди. Нафс измига бўйсуниб, ҳар қандай жirkanч ишдан қайтмайдиган айрим кимсалар баъзи соддадил ҳамюртларимизни тузокқа тушириб, уларнинг бошига ташвиш ва мусибат солаётгани ҳам сир эмас.

Бундай қабих жиноятга қўл ураётганларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш, одам савдосининг олдини олиш борасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, фуқароларимизни бу балоидан химоялаш ва оғоҳ этиш борасида чоралар қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан марказий идоралар, вазирликлар, давлат қўмталари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат таъши-

лотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзаро ҳамкорликни кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Музработ туманида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида одам савдоси билан шугулланиб келган шахснинг қилмиши судда қўрилди. Суд жараёнида маълум бўлишича, ушбу шахс очикдан-очик фирибгарлик йўли билан фуқароларнинг осойишта турмушига дахл қилиб келган. Ававал ҳам жиноий қилмиши боис судланган Х.Ашурова турмуш ўртоғи Р.Аҳметов билан ўз ватандошларини Россия давлатига ишга жўнатамиз, деб алдайди.

У шу йўл билан Музработ туманида истиқомат қилувчи фуқаролар А.Умарқулов, Ж.Болтаев, Н.Маҳмадмуродовларга 500-1000 АҚШ доллари миқдорида ойлик маош беришни ваъда қилади. Сўнгра уларни ўзи билан Россия давлатига олиб бориб, тур-

муш ўртоғи Р.Аҳметовга топширади. Аммо, улар оғир хўжалик ишларида меҳнат қилсалар-да, ойлик иш ҳақларини беришни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Фирибгар эр-хотин шу йўл билан А.Умарқулов ва Ж.Болтаевнинг 7 млн. сўм, Н.Маҳмадмуродовнинг эса 5 млн. сўм миқдоридаги иш ҳақини ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборишади.

Ваъда қилинган ётоқхона ва озиқ-овқат билан таъминланмай, устига-устак маошларини ҳам ололмаган жабрланувчиларнинг у ерда кўрган-кечирганлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтирмаймиз.

Ўз юртдошларини алдаб, инсонийлик қиёфасини йўқотган Х.Ашурованинг бу қилмиши жазога лойиқ бўлса-да, лекин мамлакатимиздаги инсонийлик тамойилидан келиб чиққан ҳолда ва амнистия актига кўра у жазодан озод этилди.

Умид қиламизки, Х.Ашурова бу бағрикенгликдан ўзига тегишли хулоса чиқариб, бундан кейин юқоридаги қабих жиноятга қўл урмайди.

Валютафурушларнинг фаолиятига чек қўйилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Андижон вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ўзларига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, жойларда кенг қамровли профилактика ва тарғибот тадбирларини ўтказиб, содир этилган ҳар қандай жиноят учун жазонинг муқаррар эканлигини тўғрилади келмоқдалар.

Бирок, шунга қарамайдан, қонунга хилоф равишда даромад олишни кўзлаб, ўз манфаатини давлат манфаатидан устун қўйиб, валюта маблағларини ғайриқонуний тарзда олиш ва ўтказиш билан шугулланиб келаётган кимсаларнинг ханузгача учраб туриши ачинарли ҳолдир.

Ана шундай шахсларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш борасида бошқармамиз томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилиб келинаётган тадбирларда қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, ўтган йил октябрь ойида МХХ вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда Шахрихон туманида ўтказилган тадбирда бир гуруҳ шахсларнинг ўзаро тил бириктирган ҳолда, туман марказида ўзларини гўё савдо дўконидан тадбиркорлик фаолиятини юртаётган фуқаролар каби тутиб, аслида эса дўкон ва унинг ертўласидан ноқонуний равишда валюта маблағларини "нақдлаштириб бериш" билан шугулланиб келганликлари аниқланиб, уларнинг жиноий фаолиятларига чек қўйилди.

Маълум бўлишича, улардан бири шахрихонлик Р.Бекмуратов бўлиб, эндиgina 22 ёшга тўлган бўлса-да, аллақачон темир панжара ортда бўлишга улгурган экан. Муқаддам ўзганинг мол-мулкни босқинчилик йўли билан эгаллаб, мўмай ва осон пул топиш йўлини танлаган Рустам суд томонидан озодликдан маҳрум қилиниб, жазо ўтаётган вақтда, унга тузалиш йўлига кириш учун имкон берилиб, жазонинг ўталмай қолган қисми ахлоқ тузатиш ишларида алмаштирилади. Афсуски у бу имкониятдан фойдаланмади...

Фурқатбек ҲАИТОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Шахрихон туман бўлими суриштирувчиси

Аксинча, ўзининг жиноий шериклари А.Халилов, Ш.Абдувалиев ва И.Халиловлар билан келишиб, яқна тартибдаги тадбиркор Д.Бекмуратовга тегишли савдо дўконининг ертўласини "ижара"га олиб, "фойдаланиб" келган. Хуллас, Р.Бекмуратов ва унинг шериклари тезкор тадбирга жалб қилинган харидорга 4 минг АҚШ долларини 10 млн. 268 минг сўмга ўтказишга ётган пайтда ушланиб, улардан АҚШ доллари, қозоқ тенгеси, Россия рубли ва ўзбек сўмларидан иборат бир қанча валюта маблағларини ҳамда бир неча фуқарога тегишли бўлган банк пластик карточкалари ашёвий далил сифатида олинди.

Буни қарангки, ноқонуний фаолият устида ашёвий далиллар билан ушланган қонунбузарлар қилмишларидан пушаймон бўлиш ўрнига, тадбирга жалб қилинган тезкор ходимларнинг талабларига бўйсунмасдан, қаршилик кўрсатишгани етмаганидек, тадбирга харидор сифатида жалб қилинган фуқарони уриб, тан жароҳати етказишдан ҳам тайинишади.

Аниқланишича, улар савдо дўконидан топишган банк пластик карточкаларидаги маблағларини фойз ҳисобига нақдлаштириб бериш билан ҳам шугулланиб келишган экан. Умумий ҳисобда эса, 2011 йил бошидан тадбир ўтказилган вақтга қадар 65 нафар фуқародан 65 донга турли банк муассасаларининг банк пластик карточкаларини йиғиб олишган бўлиб, шундан 26 нафар фуқаронинг карточкаларидаги умумий миқдори 8,8 млн. сўм миқдоридаги маблағни нақд пулга айлантириб бериш эвазига умумий сўммага нисбатан 12 фойздан 15 фойзгача миқдорда "хизмат ҳақи" олишган ва ушбу ноқонуний фаолият орқасидан 790 минг сўм фойда қўришган.

Ушбу ҳолат бўйича уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди. Яқинда мазкур жиноят иши суд муҳокамасида қўриб чиқилди ва айбдор шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиб, тегишли жазо тайинланди.

"Оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади", деган нақл кўп, кўп айтилганда ҳам хўб айтилган. Шундай бўлса-да, гоҳида ана шундай "оғзи куйган" айрим кимсалар ўша кўнарни нафақат эсаридан чиқарадилар, балки нақлни ҳам унутиб қўядилар, шекилли. Йўқса, бир марта содир этган қилмиши учун жиноят иши кўзгатилиб, жиноят иши амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган, кейинги сафар бошқа қинғирлиги туфайли судланиб, 3 йил синов музлати жазоси тайинланган, айни пайтда "Yuqori Chirchiq agro-bog' invest" МЧЖ шаклидаги agrofirmasi раҳбарининг экспорт-импорт масалалари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритган Ш.Ибадов яна жиноятга қўл урмаган бўлармики?!

Нафси ўпқон кимсалар

Равшан УМАРОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Олмазор туман бўлими бошлиғи

Ўтган йили "Hi-Tech Bank" хусусий ёпиқ акционерлик банкида иккиламчи ҳамда валюта ҳисоб рақамларини очган ўринбосар банкка топширилган ва нотариал тасдиқланган имзо ҳамда муҳр намуналарини банк карточкаси асосида ўзини раҳбар ўринбосари сифатида банк ҳужжатларини имзолаш ваколатларини белгилаб олади. Сўнгра, agrofirmанинг "ҳужжатлар учун 1" думалоқ муҳрини ятсатириб, Жанубий Қозоғистон вилоятидан рўйхатдан ўтган ИП "Момункулов А.П." билан шартнома тузади ва ушбу шартномага илова тариқасида 4 млн. 302 минг 800 АҚШ долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ҳақида "1-сонли Спецификация ва қўшимча шартномалар"ни имзолайди. Шунингдек, ўша куннинг ўзида Буюк Британиянинг "TEKNET EXPORT LLC" компанияси билан шартнома тузилиб, унга илова тариқасида 5 млн. 195 минг АҚШ долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича шартнома қўлга киритилади.

Орадан 20 кунча вақт ўтгач, Жанубий Қозоғистон вилоятидан рўйхатдан ўтган, аммо бошқа — ТОО "Нур — ай" корхонаси билан имзоланган шартномага илова тариқасида 4 млн. 39 минг 900 АҚШ доллари миқдоридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш тўғрисида шартнома тузилади. Шунингдек, божхона органи ҳамда ваколатли банкдан ўтказиб, чет эл валютасини яшириш мақсадида, "Yuqori Chirchiq agro-bog' invest" МЧЖ шаклидаги agrofirmasi таъсисчиси ҳисобланган "Shahzod Saidamir" фермер хўжалиги раҳбари Х.Саттаров фирманинг устив жамғармасини шакллантириш учун, дея алдаб, оқ қозоғга қўл қўйдириб, фермер хўжалигининг муҳрини ҳам босдириб олади. Кейин эса, махсус техника воситаси ёрдамида фермер хўжалиги муҳрининг қалбаки нусхасини ясаб, ундан фойдаланган ҳолда ишга киришади.

2011 йил 4 май кунги сана билан "Shahzod Saidamir" фермер хўжалигидан 10 млрд. 717 млн. 425 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш ҳақида қалбаки шартнома тузилади ва ҳақиқатда у ердан ҳеч нарса олинмаган бўлса-да, 13 май кунги жами 3 млрд. 302 млн. 855 минг сўмлик

маҳсулотлар қабул қилинганлиги тўғрисида юк хати(харид далолатномаси) расмийлаштирилади. Кейин яна кетма-кет шундай усулни қўллаб, жами 17 та ҳолатда юк хатлари тузилади ва фермер хўжалиги раҳбарининг имзоси қалбакилаштирилиб, қалбаки муҳр ҳам босилади. Шундан кейин юқорида қайд этганимиз, Х.Саттаровни алдаб, оқ қозоғга қўйдирилган имзо билан муҳрдан фойдаланиш бошланади. Яъни, Agrofirmaga фермер хўжалигидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олганлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрланади, аслида эса пойтахтдаги бозорлардан маҳсулотлар нақд пулга сотиб олинади. Гарчи бундай фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли гувоҳнома (лицензия) олинмаган бўлса-да, 2011 йилнинг 14 майдан 24 июлигача бўлган муддатда жами 7 млн. 837 минг 950 АҚШ долларилик маҳсулотлар юқорида қайд этилган компания ва корхоналарга улгуржи тартибда экспорт қилинади.

Agrofirmaga мутасаддиларининг қинғирликларини санаб санабга етиш қийин. Шундай бўлса-да, яна бир ҳолатни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Юқорида таъкидланганидек, фермер хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижа экспорт қилинган ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаб, солиққа тортиш базисини қамайтириб кўрсатиб, 3 фойзли ставкада кўрсатилган ҳисобот тузилади ва Юқори Чирчиқ туман ДСИ-га тақдим этилади. Натижада 174 млн. 48 минг сўмдан ошироқ солиқ маблағи яширилиб, давлат бюджетига моддий зарар етказилади.

Албатта, бундай фаолиятни амалга оширишда ўринбосарга ҳомийлик қилган раҳбар — agrofirmaga бошлиғи Ф.Раҳимбоевнинг ҳам ҳиссаси катта. Табиийки, Ш.Ибадов унинг раҳнамоллигисиз бундай "натиха"ларга эриша олмасди.

Белгиланган қонун-қоидаларни четлаб ўтиб, қинғир ишларга қўл урган раҳбар билан ўринбосарининг қилмишлари суд томонидан қўриб чиқилди ва уларга айбларига яраша тегишли жазо тайинланди.

Оила — муқаддас кўрғон

Оила турмуш ва вижадон қонунлари асосига қурилади. Узининг кўп асрлик мустақкам ва маънавий таъинларига эга бўлган оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Соғлом фикрловчи ҳар бир одам ёши, миллати, irqи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар оиласининг мустақкамлиги ва фаровонлигини ўйлайди, ўз бахтини оила аъзоларининг бахти билан бир, деб тасаввур қилади. Айниқса, биз, ўзбеклар оила, деб яшаймиз, унинг фаровонлиги йўлида тиним билмаймиз. Бу каби савъ-ҳаракатларимиз жамиятимиз тараққиётининг, давлатимиз қудратининг гарови эканини яхши англаймиз.



Р.ЭШМИРЗОЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Оила кодекси ҳамда озадан зиёд қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда оила манфаати, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш устувор вазифа сифатида эътироф этилган. Президентимиз раҳнамоларида юртимизда оила институтини янада мустақкамлаш, нуфузини ошириш, ҳуқуқий асосларини барқарорлаштириш бўйича талай ишлар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, оила масаласи, қадриятлари барча тинчликпарвар ва адолатпарвар инсонларнинг доимий эътиборида бўлиб келган ва келмокда. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1993 йил 20 сентябрда бўлиб ўтган ййгилишида барча халқларни 1994 йилдан бошлаб 15 май кунини Халқаро оила кун сифатида нишонлашга чакриганида ҳам катта маъно бор.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан камида 500 та оила истикомат қилаётган маҳалларда, шунингдек, таркибиде маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Шу ўринда, маҳаллалар зиммасига оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда, хотин-қизлар, ёшлар ўртасида ахлоқий тарбия ва оила мустақкамлиги масалалари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларида моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш каби масъулиятли вазифалар юкланди.

Тарихга назар ташласак, ота-боболаримиз ҳам оилага жуда катта эътибор берганиларнинг шохиди бўламиз. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдурахмон Ҳомий сингари буюк аломаларимизнинг асарларида ҳам оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола тар-

биясида ота-онанинг, оиланинг ўрни масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Улар ибратли ҳикоялар, ривоятлар, фарзандларига мактублар, ҳикматли сўзлар орқали насихатларини, ҳаётий ҳулосаларини ёзиб қолдирганлар. Ўтган асрнинг бошларида яшаган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Қўлпон каби маърифатпарвар зиёлилар баркамол авлодни тарбиялашнинг ягона чораси — оила асосларини тўғри қуриш эканини, оилани мустақкамламасдан жамият тараққиётига эришиб бўлмаслигини таъкидлаганлар.

Мамлакатимиз раҳбари "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида "...биз мустаққиллик даврида оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келмокдамыз", деб таъкидлаган эди. Оилага бундай муносабатда бўлиш шу заминда яшаётган, унинг озодлиги, ободлиги, фаровонлигини кўз қорачийдек сақлашга аҳд қилган онгли фўқаро учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Вилоят прокуратураси томонидан жорий йилнинг март ойида вилоятдаги фўқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2010-2011 йилларда кўрилган вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фўқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳамда судларда бу тоифадаги ишларнинг кўрилишида прокурор иштирокининг самардорлиги аҳоли ўрганилиб, умумлаштирилди. Ўрганилган даврда вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ 862 та фўқаролик ишлари кўрилган.

Шундан 98 таси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ёки чеклаш, 383 таси оталикни белгилаш, 174 таси алимент ундириш, 20 таси болали оилиш, 14 таси фарзанди би-

лан кўришишни белгилаш, 66 таси болали у ёки бу онадан тўғилганлик (юридик) факти ёки оталикни тан олганлик фактини белгилаш, 1 таси фарзандликка олишни бекор қилиш ва 106 таси вояга етмаганлар манфаатидаги бошқа ишларни ташкил этади.

Прокурорлар томонидан вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ 129 та аризалар киритилган бўлиб, ушбу аризаларнинг 68 таси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, 6 таси нафақа ундириш ва 55 таси бошқа турдаги аризаларни ташкил қилади. Киритилган аризаларнинг барчаси суд томонидан кўри-либ, тўлиқ қаноатлантирилган. Жумладан, Қумкўрғон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шоишони тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими травматолог врач М.Низовас касби юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармасдан, 2011 йил 28 апрель кунини уйда ййқилиб, тан жароҳати олган, вояга етмаган Ботир Чориевга тез тиббий ёрдам кўрсатишда бепарволикка йўл қўйган. Жабрланувчининг ўнг елка суяги рентген кўригидан ўтказилмай, гипс боғламининг зич қўйилиши натижасида унинг қўли ҳаракатсизлашиб қолган. Вилоят суд тиббиёт экспертизасининг 2011 йил 7 октябрдаги ҳулосасига кўра, Б.Чориевнинг ҳалиги қўлига қўйилган гипс боғламининг зич қўйилиши ва нотўғри муолажа қилиниши натижасида келиб чиқиб, унинг "ўртача оғирликдаги шикастланиш" тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман тиббиёт бирлашмаси травматолог М.Низовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Шунингдек, вояга етмаган Б.Чориевга жами 1 млн. 194 минг сўм моддий зарар етказилганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Фўқаролик кодексининг 1008-моддаси 1-қисмида ўн тўрт

ёшга тўлмаган ва иш ҳақи (даромад) олмайдиغان вояга етмаган шахс майиб бўлиб қолган ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган тақдирда, зарар етказилганлиги учун жавобгар шахс соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаши шартлиги кўрсатилган. Шу сабабли вояга етмаган Б.Чориевнинг манфаатларини кўзлаб, судга киритилган ариза фўқаролик ишлари бўйича Қумкўрғон туманлараро судида кўриб чиқилди ва қаноатлантирилди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ низоларни судда кўриш амалиётининг таҳлилига кўра, аксарият ҳолларда судлар томонидан ишлар қонунчилик нормаларига асосланган ҳолда ҳал этилишига эришилган бўлсада, бироқ судлар томонидан моддий ва процессуал қонун нормаларидан ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан тўлақонли даражада фойдаланмаслик окибатида ноконуний қарорларнинг қабул қилинганлиги ҳолатлари ҳам аниқланди. Жумладан, даъвогар Термиз туман Халқ таълими бўлими ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик кенгаши вояга етмаган Жавохир ва Жаҳонгир Худоевларнинг манфаатларини кўзлаб, жавобгарлар Салим Эшмуратов ва Зулхумор Абсатовга нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилган. Фўқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2011 йил 10 ноябрь кундаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Унга кўра, С.Эшмуратов ва З.Абсатова вояга етмаган фарзандларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддасида ота-она (улардан бири) ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, уэрсиз сабабларга кўра ўз боласини тўғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини

ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкинлиги белгиланган. Лекин суд жавобгарлар С.Эшмуратов ва З.Абсатовани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этишда жавобгар З.Абсатова икки нафар фарзандини боқиш учун қийналаётганлигига асосланган.

Аниқланишича, фўқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2002 йил 27 августдаги ҳал қилув қарори билан С.Эшмуратов билан З.Абсатова никоҳдан ажратилиб, икки нафар фарзанд З.Абсатованинг тарбиясида қолдирилган бўлиб, жавобгар С.Эшмуратов икки нафар фарзандининг таъминоти учун З.Абсатовага алимент тўлаб келмокда.

Шунингдек, жавобгар С.Эшмуратов судда оталик ҳуқуқидан маҳрум этилишига қаршилиги, фарзандларини ўзи тарбиялашга рози эканлигини маълум қилган бўлсада, суд жавобгарларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этишга асос бўлувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Бола тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишга судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 23-сонли қарорининг 17-банди 1-қисмида суднинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорига болали тарбиялаш учун кимга: бошқа турадиган отаси ёки онасига, васийлик ва ҳомийлик органига ёки у қонунда белгиланган тартибда тайинланган бўлса, васийга (ҳомийга) берилаётганлиги кўрсатилган бўлиши лозимлиги белгиланган. Аммо суднинг ҳал қилув қарорига вояга етмаганлар кимга берилаётганлиги кўрсатилмаган.

Мазкур ҳал қилув қарори вилоят прокуратураси томонидан келтирилган кассация тартибидеги протестга асосан фўқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация судлов ҳайъатининг 2012 йил 10 май кундаги ажрими билан бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатдан қўзланган мақсад ҳам оилани, она ва болани, кексалар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамоатчилик кўмағида бу борадаги қонунларга риоя этилишига эришишдир.



Истиқдолнинг 21 йиллиги олдидан

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий-даги салмоғи ортиб бормоқда. Шаҳарлардагина эмас, қишлоқларда ҳам тадбиркорлар ўз ишларини кенг йўл қўйишяпти. Эҳтиёж ўсишига қараб қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарни очибяпти. Вилоят прокуратураси томонидан қишлоқ аҳоли пунктларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларининг ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида туман, шаҳар прокурорлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида 922 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда жами 1459 киши доимий иш ўрнига эга бўлишди. Мисол учун, "Don Chogor Textil" хусусий корхонаси раҳбари Н.Зияеванинг Учкўприк туман прокуратурасига мурожаати асосида "Тургун" қишлоғидаги ММТПга қарашли фойдаланилмай турган трактор парки биноси тадбиркорга пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ижарага берилиши таъминланди. Ўтган беш ой мобайнида вилоят прокуратураси органларининг ишонч телефонларида тадбиркорлардан келиб тушган 56 та мурожаатлар қўриб чиқилди. Чунончи, "Тожиҳон Маъруфжон ери" фермер ҳўжалиги раҳбари М.Назиров Қўштепа туман прокуратурасига мурожаат этиб, ўзининг розилигини олмасдан бандадаги ҳисоб рақамидан бошқа фермер ҳўжаликлари ҳисоб рақамларига ўтказиб юборилган 30,5 млн. сўм маблағларини ундириб беришни сўради. Мурожаатни ўрганиш жараёнида "Микрокредитбанк" Фарғона филиали мансабдор шахслари томонидан ҳўқоридаги маблағ сохта ҳўжатлар тузиш орқали бошқа фермер ҳўжаликларининг қарздорликларини қоплаш учун ўтказиб юборилганини аниқлаиб, жиноят иши қўзғатилди.

Прокуратура органлари ўтказган тадбирлар натижасида жами 55 нафар тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш, ижарага бино бериш, банкдан кредит олиш каби муаммолари ҳал этилиб, 62 та қўшимча иш ўринлари яратилди. Жойларда виллоят прокурори ва унинг ўринбосарлари, туман ва шаҳар прокурорлари тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказишяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида 94 мартаба ана шундай бевосита мулоқотлар ташкил этилди. Уларда 5066 нафар тадбиркор қатнашди. Учрашувларда тадбиркорларнинг 7 нафарига 71 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратиш, 179 нафарига рухсатнома ва бошқа

ҳўжатларни расмийлаштириш масалалари ҳал қилинди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қасаначилик асосида иш юритиш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш борасидаги қонун ва қонуности ҳўжатлари ижросини таъминлаш баробарида меҳнат ва бандлик муаммолари ҳал этилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлашнинг манзилли дастурига мувофиқ 2012 йилда 91805 та иш ўринлари яратилиши қўзғалган. Асосий эътибор қасаначилик ва оилавий бизнесни, хизмат кўрсатиш, сервис соҳаларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Январь-май ойларидида дастурда қўзда тутилганига нисбатан бир мунча кўпроқ — 38901 та иш ўринлари тақдир қилинди. Рўйхатга олинган иш изловчи 37388 нафар фуқаронинг 32294 нафари ишга жойлаштирилди. 4544 нафарига ишсизлик мақоми берилди, 3140 нафари жамоат ишларига жалб этилди, 1309 нафари қасб-корларни эгаллаш учун ўқишга юборилди. 95 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди. Жазони ўташ муассасаларидан қайтган фуқароларнинг 333 нафари меҳнат органлари томонидан ишга юборилди. 75 нафари муастқил равишда ишга жойлашди. 73 нафари меҳнатга лаёқатсизлиги тўғрисида даволанишга ётқизилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида виллоят прокуратураси органлари ташаббуси билан жойларда 38 марта бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилди. 3197 та корхона ва муассасалар 17012 та бўш иш ўринларига ишга тақдир билан қатнашди. Меҳнат ярмаркаларига келган фуқароларнинг қарийб 4600 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Виллоят прокуратураси органлари янги иш ўринлари яратишнинг манзилли дастури, аҳолини иш билан таъминлашга оид қонунчилик ижросининг таҳлилларида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишмоқда. Жумладан, Марғилон шаҳрида янги иш ўринлари яратиш дастури 96 фоизга бажарилган. Бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий ҳўмоа қилиш маркази томонидан аслида яратилмаган 112 та иш ўринлари ҳисоботларга тиркаб юборилган.

Бувайда туман бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий ҳўмоа қилиш маркази мансабдор шахслари сохта ҳўжатлар тузиб, ишсиз, деб эътироф этилган шахсларни қайта қасбга тайёрлаш учун ажратилган 4,3 млн. сўм, жамоат ишларига жалб этилган фуқароларга тўланадиган 1,9 млн. сўм, жами 6,2 млн. сўм маблағларни ўзла-

рининг ҳамёнларига уришган.

Ўтаётган йилнинг беш ойи мобайнида ушбу соҳадаги қонунбузилишларни бартараф этиш учун 209 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди. Салкам 470 млн. сўмлик маблағларни ундиришни қўлаб судларга 505 та даъво аризалар киритилди. 5 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. 356 нафар фуқаронинг бузилган ҳўқуқлари тикланди.

Виллоят прокуратураси органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳўжалик юритувчи субъектлардан "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қў Қарори ижроси доимий назорат қилиб бориляпти. Таҳлилларда аниқланган ҳолатларга нисбатан тегишли чоралар қўрилмоқда. Хусусан, ишчи ҳодимларга 4,8 млн. сўмлик иш ҳақлари муддатда тўланишини таъминламаган Бағдод туманидаги "Дўстлик" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Н.Бўриевага нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилди.

Айрим ҳолларда мансабдор шахслар ўзларига ва ҳодимларига иш ҳақини ортиқча ҳисоблаб, бюджет маблағларини талон-торож қилишган. Чунончи, Фарғона шаҳридаги "Болалар уйи" бош ҳақими лавозимида ишлаган Р.Давидбоева шериқлари билан асоссиз равишда иш ҳақига қўйиш ҳисобланган 25 млн. сўм бюджет маблағларини ўзлаштирилган.

Ўтган беш ойи мобайнида иш ҳақи тўловида оид қонунлар ижросининг таҳлиллари натижаларига қўра, қонунбузилишларни бартараф этиш учун 8 та тақдирнома киритилди. 9 нафар шахс интисомий, 29 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 704,8 млн. сўмини ундириш хусусида фуқаролик судларига 607 та аризалар киритилди. 14 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. Хусусан, Қўқон шаҳрида жойлашган Шарқий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари қаслаш, таъмирлаш, фойдаланишга иктисослаштирилган давлат корхонаси раҳбарларининг лоқайдиллиги натижасида 617 нафар ишчи-хизматчи 2011 йил октябрь-декабрь ойлари учун ҳисобланган жами 579 млн. сўмдан зиёд иш ҳақи тўланмай қолганлиги аниқланди. Ишчи-ҳодимларнинг ҳўқуқлари поймол қилинишига йўл қўйган мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳамиятгарликда ҳўқм сураётган инсонпарварлик тамойиллари истиқдолнинг дастлабки йиллари қабул қилинган, аҳолини ижтимоий ҳўмоага олиш, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратиш Президентимизнинг қарорларида янада ақол намоён бўлади. Кам таъминланган,

серфарзанд оилаларга нафақа ажратиш ваколати ўзини ўзи бошқариш органлари қабул қилинган, аҳолини ижтимоий ҳўмоага олиш, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратиш Президентимизнинг қарорларида янада ақол намоён бўлади. Кам таъминланган,

сохта ҳўжатлар асосида нафақа ва моддий ёрдам берилиб, бюджетнинг 34,5 млн. сўм маблағи талон-торож қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон тумани "Товар" МФЙ раиси Х.Мусурмонқулов ва котибаси К.Юлдашевлар аризалари маҳсус комиссия томонидан қўриб чиқилмаган 24 нафар фуқароларга ўзбошимчалик билан нафақа тайинлаб, 8 млн. сўм нафақа пулларини совируриб юборилган.

Давлатимиз томонидан ногирон фуқаролар ижтимоий ҳўмоага олинган. Уларга ўқув-ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилиш имконияти яратилган. Айрим нафси наҳанлар ҳатто ногиронларга тегишли бўлган бино ва иншоотларни ҳам тап тортмасдан пуллашаверган. 247,5 млн. сўмлик қурилиш туғалланмаган бино-иншоотларни фуқаро Р.Хасанова қонунга ҳилоф равишда сотиб юборган Марғилон қар-соқовлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонасининг раҳбари Р. Бойматов, шаҳардаги "Тинчлик" қўмасида жойлашган 22,3 млн. сўмлик бино ва иншоотларни, "Янги Ҳаёт" қўмасидаги қурилиш туғалланмаган 116,2 млн. сўмлик бинони пуллаб юборган қўзи оқизлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси МЧЖнинг раҳбари А.Юлдашевлар жиноий жавобгарликка тортилди.

Ижтимоий ҳўмоага оид қонунчилик ижроси юзасидан йил бошидан буюн ўтказилган таҳлилларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 750 дан зиёд прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилиб, бартараф этилди. Салкам 42 млн. сўмлик зарар ихтиёрий қопланди. 16 нафар шахсининг бузилган ҳўқуқлари тикланди. 18 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Фарзандларимиз ҳар томонлама етуқ инсонлар бўлиб етилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Прокуратура органлари таълим-тарбия, вояга етмаганларга оид қонун ва қонуности ҳўжатлари, Президентимиз томонидан эълон қилинган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг ижросини таҳлил этиб боришяпти. "Мустаҳкам оила йили"да никоҳланувчи ёшларнинг тиббий қўригини ташкил этиш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмушга чиқишлари, қонқонун шариий никоҳдан ўтишларига йўл қўймаслик, нотинч оилаларда вояга етмаганлар билан тарбиявий ишларни олиб бориш, никоҳи бекор бўлган, бокучисини йўқотган оилаларнинг фарзандларини маънавий-маърифий жиҳатдан соғлом ва барқамол қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш чоралари қўрилмоқда.


Қишлоқ ҳўжалигидаги ислотларга ўз самарасини бермоқда. Виллоятдаги ақсарият фермер ҳўжаликлари дон, пахта етиштириш борасидаги қонқонтракция шартномаларини адо этишмоқда. Шу билан бирга, мева, полиз, сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг ҳажми ортиб бормоқда. Прокуратура органлари фермер ҳўжаликларининг уруғлик, ёқилғи, минерал ўғит ва бошқа зарур воситалар билан таъминлашидаги муаммоларини қонқоний ҳал этишяпти. Режалаштирилган майдонларга дон ва қитғи эқилиш, агротехник тадбирлар муддатиди

Каҳрамон ТЎЙЧИЕВ,
Фарғона виллоят прокурори
ўринбосари

ва сифатли ўтказилиши, ҳосил нест-нобуд қилинмай йиғиштириб олинишини мониторинг тарзида ўрганиб боришмоқда. Қўштепа туманида ўтказилган мониторингда "Авазбек Холматов ери" фермер ҳўжалигининг раҳбарлари қитғи эқилган 4,5 гектар майдонни бузиб, полиз эқинларини эқилгани аниқлаиб, жиноят иши қўзғатилди, етказилган зарар ундирилди. Яна бир қатор туманларда пахта етиштириш режалаштирилган майдонларга бошқа эқинларни эқиб олиш ҳолатлари аниқлаиб, қайтадан қитғи эқилиши таъминланди. Қонунга зид иш қўрганлар жавобгарликка тортилди. Худди шунингдек, техника воситаларининг қасанчилиги, таъмирланиши, ишлатилишини ўрганиш жараёнида ҳам жиддий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Чунончи, "Т-28" русумли тракторни яроқсиз ҳолга келтириб, арзон гаров — 1 млн. сўмга пуллаб юборган, фермер ҳўжаликларида бирига "ТТЗ-80" тракторини бериб қўйиб яроқсиз ҳолга қелишига сабабчи бўлган, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиқни бартараф этиш чорасини қўрмаган Риштон туман ММТП АЖнинг раиси Р.Аҳмад-жоновга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Фермер ҳўжаликларининг даромадлари ортиб, қишлоқ ақли турмуш шартлоларини яхшилаш, қишлоқларда хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини ривожлантириш, замонавий уй-жойларни барпо этиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Қишлоқларда муқаммал лойиҳаларга асосан намунали уй-жойлар қурилмоқда. Прокуратура органлари ушбу жараёнда қонунларга риоя этилишини ўрганишяпти. Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўмасини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қў Қарорининг ижроси таҳлилларида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари юзага чиқди. Қарор асосида виллоятимиз қишлоқларида намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурила бошлаган. Бироқ 2011 йилда фойдаланишга топширилмиш белгиланган 675 та уй-жойлардан 146 таси ёки 21,6 фоиз қуриб битказилмаган. 123 та уйлар кенчиктилмиш, 2012 йил май ойида фойдаланишга топширилган. 23 та уйларнинг қуриб битказилиши эса ортга сурилган. Виллоят прокуратураси органлари томонидан шартномада белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмаган уй-жойларнинг эгаларига бюртмачи "Қишлоқ қурилиш инвести" ИШЖКнинг виллоят филиалидан 109,8 млн. сўм пеня ундириш хусусида фуқаролик ишлари судларига қиритилган даъво аризалари тўлиқ қаноатлантирилди. Бунга йўл қўйган раҳбарлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

Хўласа қилиб айтиш керакки, фуқароларнинг ҳўқуқлари, давлат манфаатларини ҳўмоа қилиш, барча соҳаларда қонқонийлиқни таъминлаш прокуратура органлари зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардандир. Виллоят прокуратураси органлари ушбу йўналишда мунтазам равишда иш олиб бормоқда.



Фаровонликнинг бош омили

Юртбошимизнинг таъбирлари билан айтганда, "Оила бор экан, ҳаёт абдаийлиги, бебаҳо неъмат бўлиш фарзана бор. Фарзана бор экан, одамзод ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Азал-азалдан халқимиз учун муҳаллас бўлиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор".

Мамлакатимизда истиклолнинг ilk йиллариданоқ оила ришталарини мустаҳкам бўлиши, фарзандларимизнинг баркамол ўсиб-ўлғайишлари, ҳаётда ўз ўринларини топишлари алоҳида эътибор қаратишмоқда. 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номланган ана шу эътибор, ғамхўрликнинг тадрижий давомиди бўлди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Фаргона вилоят ҳокимининг 2012 йил 2 март кунги қарори билан "Мустаҳкам оила йили" вилоят дастури тасдиқланди, шунга асосан бошқармада чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди. Бу борада бошқармада хизматлари томонидан вилоятнинг барча ҳудудларига чиқилиб, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, оиланинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, оилавий бизнесни ривожлантириш учун яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳусусида аҳоли ўртасида юздан зиёд профилактик-тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Дастурда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, иш ўринлари яратишни рағбатлантириш, аҳолини сифатли хизмат турлари билан таъминлаш бора-сида маҳалла ҳудудида яшаётган ва маиший хизматлар (сар-тарошлик, тикувчилик, пойафзал, маиший ва ташкилий-техника ва бошқаларни тузатиш устаси) кўрсатиш билан шуғулланаётган яққа тартибдаги тадбиркорларни 2012 йил 1 апрелидан бошлаб, уч йил муддатга қайд этилган солиқ тўлашдан озод этиш орқали иш ўринларини ташкил қилишни рағбатлантириш белгиланган. Бу борада бошқарма ходимлари томонидан вилоятнинг қишлоқларидаги 82 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган йиғилишларда аҳоли ўртасида солиқ имтиёзлари, солиқ қонунчилигидаги меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам бериш орқали 11 та янги иш

ўринлари яратилди.

Шунингдек, Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда иш ўринларини яратиш ва тасдиқланган ҳудудий дастурлар доирасида аҳоли бандлигини таъминлашни рағбатлантириш бўйича хотин-қизларни ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлаш учун шарт-шароитларни яратиш орқали уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор самарали ишларнинг амалга оширилиши натижасида 27 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Жумладан, бошқарманинг Фуқат туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган учрашув ва профилактик-тарғибот тадбирлари давомиде кўрсатилган ҳуқуқий ва амалий ёрдам билан "Кармак" қишлоғида яшовчи Н.Кўчқорова уйда пайпоқ тўқиш фаолияти, "Шўхай" қишлоғида истикомат қилувчи М.Неъматова ва З.Аҳмаджоновалар чеварчилик ва парда тикиш фаолияти бўйича яққа тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, 3 нафар хотин-қиз ўз бизнесларини йўлга қўйишди, янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2012 йил 24 январдаги ҳайъат мажлиси қарориде белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичи, яъни коллеж ва лицейларга тўлиқ жалб қилиш, коллежни тамомлаган битирувчиларни, шу жумладан, қизларни ишга жойлаштириш, ёш қизларни эрта турмушга узатиш ҳолатларининг олдини олиш масалалари бўйича ҳудудларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Хусусан, бошқарма томонидан "363-Қўқонэлектромонтаж" МЧЖ фаолияти юзасидан ўтказилган ҳужжатли текшириш даврида ушбу корхонага касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласида ўтказилган йиғилишдан келиб чиқиб, 5 нафар битирувчи корхонага ишга қабул қилиниб, 5 та қўшимча ишчи ўринлари яратилди.

Ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараё-

Ахрорхон ЖҲУРАХОНОВ,
СВОЖДЛҚ
Департаментининг Фаргона
вилоят бошқармаси бошлиғи

нида таълим муассасасининг оила, маҳаллалар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида ота-оналар, маҳалла ва таълим муассасалари масъулиятини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлик механизмининг қучайтириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш борасида жойларда ота-оналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ходимлари ва педагоглар билан таълим муассасаларига яқин ҳудудларда алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик юзасидан 42 мартаба профилактика тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, 25 та ҳолатда алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомаласи киритилганлиги фош этилиб, 28,5 млн. сўмлик алкоғолли ва 31,6 млн. сўмлик тамаки маҳсулотлари ноқонуний муомаладан олиб қўйилди. Бундан ташқари, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш истагида бўлган фуқароларга, шунингдек, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш учун кредитлар ажратилишида ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш, бу борадаги сансалорлик ва суистеъмолчиликларга қарши курашиш чоралари кўрилмоқда.

Мазкур йўналишда олиб борилган ишлар натижасида ДТ "Халқ банки" Қувасий филиали мансабдор шахслари уй-жой сотиб олиш учун 4 нафар фуқаро номига ажратилган 225 млн. сўм миқдоридеги кредит маблағини талон-торож қилганликлари фош этилиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши жамиятимизнинг ўзаги бўлган оилалар турмуш фаровонлигининг ошириш боришига хизмат қилади. Шундай экан, ҳар биримиз фарзандларимизнинг келажаги порлоқ бўлиши, фаровон ҳаёт кечириб, баркамол бўлиб етишиши йўлида бир ёқадан бош чиқариб, аҳилликда ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, кўзланган эзгу мақсадларимизга, юксак марраларга, албатта, эришамиз.

Истиқлолга эришганимиздан бўён ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асослари яратилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонулар билан кафолатланди. Жумладан, муқорорлик ҳуқуқи кафолатланибгина қолмай, қонун ва қонуности ҳужжатлари воситасида уни тасарруф этиш тизими яратилди. Ерга, унда етиштирилган маҳсулотларига эгаллик ҳуқуқини тасарруф этаётган фермер ҳўжаликлари юқори фойла олишни кўзлаб, унумли ишлашяпти, мамлакатимизнинг саноат хомашёси, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг тўқис қондиришмоқда. Тадбиркорлик билан иш кўриб, кўпроқ маҳсулот етиштириш ва даромад олишга интилишяпти.

Қишлоқда тадбиркорлик ривожланмоқда

Бахтиёр МАМАТОВ,
Ёзёон туман прокурори

Тадбиркорликка оид қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари иқтисодиёт жадал сўратларда ривожланишини таъминляпти. Бунини тўқимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Аксарият фермер ҳўжаликлари пахта ва дон етиштириш бўйича контрактация шартномаларини адо этишяпти. Мева, сабзавот, полиз маҳсулотларидан юқори ҳосил етиштириш, кўзланган даромадини олишга интилишяпти. Туманимизда нафақат савдо ва хизмат кўрсатиш, балки ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳам сони ортди, тайёрланаётган маҳсулотларининг тури кўпайди.

Туман прокуратураси томонидан тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонун ва қонуности ҳўжатлари ижросини таъминлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида доимий иш юритилляпти. Республика Бош прокурорининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини қучайтириш тўғрисида"ги буйруғи талабларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлар, шу жумладан, фермер ҳўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилмоқда. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар ва амалий ёрдам бериш мақсадида туман прокуратурасида тадбиркорлик хонаси ташкил этилган. Унда Президентимизнинг соҳага оид Фармонларини, ҳукуматимизнинг қарорлари ва бошқа зарур барча ҳўжатлар жамланган. Ҳафтада икки мартаба юзма-юз мулоқотлар ўтказилиб, тадбиркорлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини пухта билиб олишяпти, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, керак бўлса, амалий ёрдам кўрсатилляпти. Шу билан бирга, "007" рақамли ишонч телефони орқали олинган тадбиркорларнинг мурожаатлари ҳам қонуний ҳал этилмоқда. Жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида 8 нафар тадбиркорнинг мурожаати ўрганилиб, муаммоларини бартараф этиш борасида амалий ёрдам берилди. Чунончи, оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйиш учун кредит олишда ёрдам беришни сўраган Ёзёон шаҳарчасида яшовчи Р.Абдуллаевга "Халқ банки" туман филиали томонидан 2 млн. сўм миқдоридеги кредит ажратилиши таъминланди. Туман прокуратураси ташаббуси билан шу йилнинг тўрт ойи мобайнида 60 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда 200 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Туман прокуратураси томонидан мутасадди идоралар билан бирга, шу йилнинг тўрт ойи мобайнида тадбиркорлар билан 10 мартаба учрашувлар ташкил этилди. Уларда 60 нафардан ортиқ фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Ушбу жараён матбуот ва телевидение орқали ёритилиб, тадбиркорлик борасида маслаҳат ва йўл-йўриқ олишни истаганлар аудиторияси янада кенгайди.

Шунингдек, тадбиркорлик борасидаги туман ҳокимлиги қарорларининг қонунийлиги ҳам ўрганиб борилмоқда. Жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида ушбу соҳага тегишли туман ҳокимининг 7 та қарори ноқонуний деб топилиб, протест киритиш йўли билан бекор қилинди.

Президентимизнинг тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш борасидаги қарорлари иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, янги иш ўринлари яратилиб, меҳнат ва бандлик муаммосининг ҳал этиб борилиши борасида кенг имкониятларни яратди. Туман прокуратураси аҳолини, айниқса, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратляпти. Шорий йилнинг тўрт ойи мобайнида бандликка қўмақлашувчи марказ томонидан рўйхатга олинган 805 нафар фуқаронинг 718 нафари иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди. Прокуратура ташаббуси билан икки мартаба ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида 60 нафар фуқаро ўзлари танлаган касблар бўйича ишга йўлланмалар олишди.

"Мустаҳкам оила йили" муносабати билан оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оилавий пудратни ташкил этиш дастури ишлаб чиқилиб, турмушга таътиб этилмоқда. Прокуратура аралашуви билан оилавий пудратни ривожлантириш учун "Агробанк" туман филиали томонидан 73 та оиллага 140 млн. сўмдан ортиқ, "Халқ банки" филиали томонидан 50 та оиллага 110 млн. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратиб берилди.

Мухтасар қилиб айтсак, туманимизда ҳам кичик бизнес намоёндаларининг сафи кенгаймоқда. Тадбиркорлар қонунлар ҳавола этаётган имкониятлардан фойдаланиб, кечагидан унумлироқ ва самаралироқ иш юритишга интилишмоқда.



Чеклов ўрнатилган

Мен пенсионерман. Касаллик бўйича ҳисобла турман. Шу сабабли вақти-вақти билан даволашиб тураман. Ишлаб юрган вақтимда санаторийларга бориб турардим. Лекин пенсияга чиққангилдан кейин ҳали бирон марта ҳам борганим йўқ. Шу сабабли яқинда туман ижтимоий таъминот бўлимига бориб, йўланма беришни сўрасам, сизнинг касаллигингиз бўйича йўланма беришмаймиз, дейишди. Нима ҳаққингиз бор, десам, йўриқнома талаби шундай, дейишди. Шу тўғрисида?

Ж.Эргашев,
Тошкент шаҳри

Кесалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларга йўланмалар бепул берилади. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 27 апрелда рўйхатга олинган "Ногиронлар ва кесаларни бепул санатория-курорт йўланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талаблари билан мустаҳкамланган. Бироқ, айрим турдаги касалликлар учун бу йўланмаларни беришда чекловлар ўрнатилган. Хусусан, йўланмалар тиббий ҳулосада куйдаги касалликлар кўрсатилганда беришмайди:

беморнинг ўзи ва атрофда-

гилар учун хавфли бўлган кўпол ва ҳулқий бузилишлар сабаб бўладиган руҳий касалликлар, хусусан, тез-тез (ҳар ойда 5 мартадан кўп) тутқаноқ содир бўладиган эпилепсия, мунтазам тутқаноқларга, эпилептик мақомга, кун охирига бориб бўша-шувчанликка, дисфорияларга мойил касалликлар; жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги; юқумли тери ва соч касалликлари; ўткир юқумли касалликлар; салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шаш касалликлари ва рецидивлари; таносил касалликлари, ОИВ юққанлар.

Қачондан?

Мустақилликка эришганимиздан кейин никоҳ шартномаси деган тushunchа ҳам кириб келди. Айтингчи, бундай шартнома қачон тузилса тўғри бўлади, никоҳгачами ёки никоҳ давомидами?

Ш.Бакиев,
Оҳангарон тумани

Бунинг аҳамияти йўқ. Чунки, Оила кодексининг 30-моддаси талаби бўйича никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатида олингунига қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкинлигини белгилайди.

Никоҳ давлат рўйхатида олингунига қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатида олинган кундан бошлаб қучга қиради.

Бундай шартнома, албатта, ёзма равишда тузилиши ва

нотариал тартибда тасдикланиши лозим. Ушбу қоидага амал қилмаслик, никоҳ шартномасининг ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлади. Сабаби, бу шартнома узок муддат амал қилади ва мулк ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни белгилайди. Шу боис ундан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг аниқ ҳамда қатъий бўлишини белгилашда ёзма равишдалиги ва нотариал тасдикланиши муҳим ўрин тутати.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия беришчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали ресмиёлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қўнғузбузилиш, бюрократик тўқилишлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйдаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамга қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прократура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДКК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарь вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва murojaatlари кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Кенгайтирилган имтиёз

Ўғлим бир йиллик ҳарбий хизматни ўтамоқда. Маълумки, ҳарбий хизматдан қайтган фуқароларга олий ўқув юрталарига ўқишга киришда хизмат қилган жойи кўмондонлигининг тавсияси асосида қўшимча балл берилади. Эшитишимча, ана шу балл янада кўтарилибди. Бу гап қанчалик тўғри?

З.Жўлиева,
Избоскан тумани

Хизматдан ҳам бу ҳолат асосли. 2012 йил 31 май куни Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бақаларлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига киришда тўллаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлишлари белгиланади.

Шуниси алоҳида эътиборга молики, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга ҳарбий қисмларнинг кўмондонлиги томонидан олий таълим муассасаларига кириш учун бериладиган тавсияномалар, улар бериладиган санадан бошлаб, уч йил мобайнида амал қилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, аммо улар учун имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган абитуриентлар ушбу баллар асосида республикамизнинг бошқа таълим муассасаларига қабул қилиш учун мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг учун бошқа олий ўқув юрталарига қабул қилиш тўғрисидаги аризани тест синовлари тугагандан кейин Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тақдим қилишлари лозим бўлади.

Бунда абитуриент танланган бошқа олий ўқув юрталарига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча баллини ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўплами (блоки) ва абитуриент томонидан тўплаган балларга мувофиқ, таълим йўналишлари бўйича Давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб берди.

Ўзбошимчалик учун

Мен бу йил ҳисобидан меҳнат таътили олиб бўлганман. Лекин ёз ойларида ўз ҳисобимдан, яъни иш ҳақи сақланмаган таътил олмақчиман. Бундай таътилни қанча вақтгача олиш мумкин? Агар бошқик уни беришни истамаса ҳам мен таътилга чиқиб кетаверишим мумкинми?

Сарвар Бердибеков,
Хоразм вилояти

МКнинг 150-моддасида ҳодимнинг аризасига биноан, унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ҳодим билан иш беришчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, дейилади. Лекин, қуйидаги ҳодимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

1941-1945 йилларда уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга — ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига — ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга;

ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга — ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар; меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Бинобарин, мазкур моддага кўра, иш ҳақи сақланмайдиган таътиллари икки гуруҳга ажратилади. Яъни, иш беришчи бундай таътилни бериши мажбур бўлган ва имкониятдан ке-

либ чиққан ҳолда берадиган таътиллари.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур модданинг 1-қисми талабда белгиланган қонун ҳужжатларида иш ҳақи сақланмаган таътил бериладиган узрли сабабларнинг рўйхати белгиланмаган. Шунинг учун ҳам иш беришчи корхона, муассаса ёки ташкилотнинг ўз локал меъёрий ҳужжатларида (жамоа шартномаси ёки ҳодим билан иш беришчи ўртасида тузилган меҳнат шартномасида) ҳодим иш ҳақи сақланмайдиган таътилга даъво қилиши лозим бўлган узрли сабабларнинг рўйхатини белгиллаши мумкин.

Агар бундай ҳужжат мавжуд бўлмаса, узрли сабабини ҳодим ўз аризасида кўрсатади. Иш беришчи эса, ишлаб чиқариш манфаатларини ва аризада кўрсатилган асосларни ҳисобга олган ҳолда таътил бериш имкониятини, шунингдек, бериладиган таътилни қанча давом этишини белгилайди.

Агар иш беришчи ҳодимга иш ҳақи сақланмайдиган таътил беришдан бош тортган бўлса, ҳодим эса ўзбошимчалик билан таътилга чиқиб кетса, унда ҳодимга нисбатан МКда белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

Оғир бўлганда

Суд ўғлимга бир нафар фарзани учун 107 минг сўм миқдорида алимент тўлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўғлим иш тополмагани учун ҳеч қандай ишлагани йўқ. Бу ҳақда суд ижрочисига мурожаат қилсам, у Республика статистика қўмитасининг 2011 йил 30 ноябргаги Азия вазирлигига тақдим қилган хатига асосан, республикада ўртача ойлик номинал иш ҳақи 425518,1 сўмни ташкил қилади, шунга асосланиб, алимент миқдори белгиланган, деди. Ахир туманда бунча ойликнинг ўзи йўқ. Нега айримлар 3-4 боласи учун 40-50 минг сўм пул тўлайди? Суднинг бу қарори тўғрими?

Н.Пўлатова,
Хатирчи тумани

Оила кодексининг 99-моддаси талабига кўра, вояга етмаган болаларга таъминот бериш ота-онанинг келишуви асосида, агар бундай келишув бўлмаса, алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми, икки бола учун — ундан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорини ўндинилади. Бу тўғривларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳолини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан қамайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Лекин, ҳар бир бола учун ўндиниладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг

учдан бир қисмининг кам бўлмаслиги керак.

Алимент миқдори суд томонидан белгиланаётганда, алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳоли ҳисобга олиниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Агар ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўлашни лозим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин. Лекин бунда ҳам, ота-онанинг моддий аҳоли ҳисобга олинади.

Ўғлингиз оилавий ва моддий аҳолини инобатга олиб, алимент миқдорини қамайтириш хусусидаги ариза билан судга мурожаат этиши мумкин.

Халқ ва ҳақ учун

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида матбуот ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ни босқичма-босқич равишда топтириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, бунинг учун барча шарт-шароитларни яратиш масаласи Юртбошимизнинг доимий эътиборида.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўнга қонун қонун ҳужжатлари фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўйбга чиқариш, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот бораидаги ҳафсизлигини таъминлашда муҳим қарор қабул бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги давр руҳига ҳамоҳанг тарзда бир қатор қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиб борилаётгани ҳам матбуот ва ОАВни янада либераллаштириш, соҳадаги демократик ислохотларни тобора чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

ОАВни модернизация қилишни ривожлантиришнинг самараси ўлароқ мамлакатимизда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали теледидроларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакатига йигирма саккиз йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга. Соҳа ривож йўлида кўрсатилган ҳаммуҳим натижага келинганда кейинги ўн йилда газета-журналлар сони 1,5 баробар, электрон ОАВлар сони 7 баробар ошди. Мавжуд телеканалларнинг 54 фоизидан кўпроғи, радиоканаллар, веб-сайтларнинг эса 86 фоизи нодавлат ОАВдир. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллий ва эллатларнинг етти тилида фаолият олиб бормоқда.

Республика Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликларни бериш тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши миллий матбуотимизнинг ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Қарор матбуот ва ОАВ, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит яратиш, шу асосда уларнинг мустақиллигини таъминлаш, моддий-техник базасини кучайтириш, модернизация жараёнини тезлаштиришга хизмат қилади.

Қарорга кўра, матбаа корхоналари четдан олиб келадиган қоғоз маҳсулотлари ва ускуналар белгиланган боғжона тўловларидан беш йил муддатга озод қилинди. Энг эътиборлиси, бу қарор нодавлат матбуот нашрлари ва ОАВга ҳам тааллуқлидир. Бу эса уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да миллий матбуот ва оммавий ахборот воситалари учун кенг имкониятлар очилди, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш юзасидан устувор йўналишлар белгиланган. Жумладан, фуқаро-

ларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, матбуот ва ОАВнинг эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, унинг ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларини тобора кучайтириш, миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш, матбуот ва ОАВнинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги аҳамиятини кучайтириш муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, концепцияда оммавий ахборот соҳасини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислох этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташқилӣ, моддий ва маънавий имкониятлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Бу соҳа ходимлари, яъни биз журналистлардан масъулиятни, ижтимоий-маънавий бурчини астойдил ҳис этишни, Ватанимиз, халқимиз манфаатларининг том маънодаги ҳимоячилари бўлишни, янгиланиш жараёнининг мазмун-моҳиятини халқимиз, кенг жамоатчилиikka ҳолисона, тезкор ва ишончли тарзда етказишни талаб этади.

Энди шундай савол туғилади. Журналистлар олдидаги қўйилган бу масъулиятли вазифани виждонан урдалай олишяптими?

Журналист, энг аввало, инсоннинг дарадларини тинглаб, бу ориқларни ўз вужуди ва руҳиятидан ўтказма экан, унинг сўзи ҳам, чиқишлари ҳам қуруқ бўлиб қолаверадди. Унинг асосий қуроли — сўз. Асосий-си биз айтётган ҳар сўз кимгадир далда, ким учундир руҳлантирувчи, энг муҳими, фойдали бўлиши керак.

Бугун эркин фуқаролик жамиятини қураётган халқимиз талаб этаётган вазифани урдалай олсак, ютуғимиз шу. Чунки халқ ҳурмати кўзониш осон иш эмас. Лекин уни сақлаб қола билиш унданда қийин. Бунинг учун жуда катта меҳнат, фидойилик, қаноат ва жасорат керак бўлади. Журналист бедорлигини сўяди. Лекин элга бедор сўз айтиш учун унинг ўзи бедор бўлиши керак. Хуллас, бугунги кунда биз журналистларнинг олдимизда жуда катта ва масъулиятли вазифа турибди.

Фикримча, бугунги журналистдан теран фикр эгаси бўлиш билан бирга, ташаббускорлик ва маҳорат ҳам талаб қилинади. У ҳар доим излашда бўлиши керак ва шарт. У мутолаадан тўхтади дегани, бу қотиб қолди, дегани. Излашдаги одамнинг ёзгани сарлавҳадан билинади. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари — матбуот қотиби Рафиқ Ражабов бугуннинг газетаси қандай бўлишини истардингиз, деган саволимга қуйдагича жавоб берди:

— Аввало, газета, умуман ҳар қандай оммавий ахборот воситаси шиддат билан ривожланиб бораётган жамияти-

миз талаблари билан ҳамнафас яшаши керак. Зеро, бугунги ахборот оламида глобаллашув жараёни кучайиб бораётган бир шароитда ўқувчининг қўнғилига йўл топиш осон эмас. Чунки бугунги муштарийнинг вақти зик, талаби катта ва у матбуотдан энг янги, энг қайноқ, энг қизиқ маълумотларни кутади. Бунинг учун ҳар бир газета ўзининг асосий йўналиши ва услубига эга бўлиши, умуминсоний эзгу-ғоялар эркин минбари бўлишга интилиши, воқеа-ҳодисаларни ҳақиқат ва ҳолислик билан ёритиши лозим.

Муштарий сифатида газеталар саҳифаларида юксак инсоний фазилатларга, халқимизнинг буюқ тарихи билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизга бағишланган, одамларни меҳр-оқибатли бўлишга, табиатни асраб-авайлашга ундовчи мақолаларни ўқишни истайман.

Қўнғилочар олди-қонди мақолалар билан тўлдирилган газеталар базори гуркираётган айни замонда мен ўйлайдигандай мақолалар берадиган газеталар ўз ўқувчиларини топиши осон кечмайди, албатта. Аммо руҳни тетик, иштиёқни баланд тутиб, истиқболга умид боғлаш керак. Зеро, бўлар-бўлмас воқеаларни тўқиб, ўқувчига олди-қонди ва ҳатто ҳаёсийликни тарғиб қиладиган мақолаларни тақдим этиш бошқа-ю, ҳар бир сўз, ҳар битта жумла устида ўйлаб, бош қотириб, ҳам мазмун, ҳам қиёфа жиҳатидан мукаммал газета чиқариш бошқа. Эзгу мақсад йўлидан адашмай,

"Маърифатсиз ҳаёт жаҳолатдир" деган шир билан қалам тебратган ижодкор ҳеч қачон кам бўлмайди. Бошқа газеталарни камситмаган ҳолда "Huquq" газетасининг афзаллигини айтидиган бўлсам, бу газетадан амалпарастлар, буйруқбозлар, ўзини унутиб қўйганлар, ўз манфаатини жамият ва давлат манфаатидан устун қўядиганлар, қонунни бузувчилар мақолалар орқали аёвсиз фойда топиб борилади. Газета саҳифаларидаги қонун-ҳақарлик ва унинг оқибатлари ҳақидаги мақолалар тўғрисида айтгандай ва хотиржамлик қадри нима эканлигидан сўзлаб, газетхонни ҳаётий хулосаларга ундайди.

Шунингдек, бу газета саҳифаларида берилаётган ҳуқуқий мавзудаги мақолалар, саволлар жаваблар халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ошишига хизмат қилиб келмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ўзининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асаридан "...Оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги принципларини амалда таъминлашга эришиш, матбуотда танқид руҳини кучайтириш биз учун энг муҳим максادلardan бири бўлиб қолмоқда.

...Бугунги кунда ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз ҳаётий принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга интилиши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри

билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда", — дея таъкидлаган эди.

Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, кўпгина газеталарда танқидий, таҳлилий ва муаммоли мақолалар кам берилаётганининг гувоҳи бўлаемиз. Фельетон жанридаги мақолалар эса анқонинг уруғига айланди. Журналистнинг жамиятнинг санитари, дейишди. Шундай экан, жамият ривожига тўсқинлик қилаётган қимсалар ҳақида фельетонлар, танқидий мақолалар ёзишимиз ва уни газета ҳамда журналлар саҳифаларида эълон қилишимиз шарт.

Президентимиз 2002 йилда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан биз журналистларга йўллаган табригидея таъкидлаганларидек, жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончи, шу билан бирга, машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик ҳолисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисиқлиқ муҳити ҳукмрон бўлади.

Чунки ютуқни-ютук, камчилики-камчилик, жиноятни-жиноят, хиёнатни-хиёнат деб, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ — том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради.

Кейинги йилларда журналистларнинг қаршисида умуминсоний фожияларга сабаб бўладиган катта-катта муаммолар пайдо бўлди. Бу жамият ҳаётини изга солиб турадиган ижтимоий қарашларнинг тасаввур қилиб бўлмас даражада ўзгаргани билан боғлиқ. Айниқса, кишилик жамиятида кечаётган, ёшлар турмуш тарзига дахл қилаётган ва эски дунёни янгиллаётган урфлар аслида кенг қўламдаги "ахборот хуружи" туфайли содир бўлаётган ҳодиса. Бугун айрим-айрим журналистлари космополитизм гояларини "глобализация" деган истилоҳга ўраб, тарғиб қилаёти. Дунё миқёсида кечаётган ана шундай кескин ижтимоий-сиёсий жараёнда миллий манфаати ва миллий қадриятлар учун курашиш — шарафли вазифа. Шу маънода айтиш мумкинки, журна-

листнинг овози миллиятнинг овози демократ.

Жамиятда рўй бераётган иллатлар учун биз журналистлар ҳам айбдормиз. Зеро, жамият ва матбуот, бу икки тушунча бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ, уларни айро тасаввур этиб бўлмайди. Матбуот юксалмай жамият, жамият юксалмай туриб, матбуот юксала олмайдди. Тараққиётни кўзлаган жамият фақат матбуот эркинлиги воситасидангина мақсадга эришиши мумкин. Матбуоти демократлашмаган жамиятнинг демократлашуви афсонадан бошқа нарса эмас.

Хуллас, бугунги кунда матбуот ва ОАВ олдида жуда катта ҳамда масъулиятли вазифалар турибди. Халқ ва ҳақ билан бирга бўлсакки, бу вазифаларни муваффақиятли адо эта оламиз. Журналистика ва ҳақиқат. Ушбу икки тушунча бир-бирига монанд ва уйғун. Ҳаётнинг ўзаги — ҳақиқат. Матбуот эса, ҳаёт кўзгуси. Журналистиканинг доимий ва ўзгармас мақсад-муддаоси ҳам ҳақиқат, яъни ҳақиқатчиликдир.

27 июнь газета ва журналлар, радио ва телевидение таҳририятларида, нашриётлар, матбаа корхоналари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "Матбуот тарқатиш" ШКларда хизмат қилаётган, бир сўз билан айтганда, умрини шу соҳага бағишлаган заҳматкаш инсонларнинг касб байрами — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни. Истиқлол туфайли юртимизда ҳар йили бу кун байрам сифатида кенг нишонланмоқда. Ҳамкасбларимга халқ ва ҳақ томонда туриб қалам тебратшидек заҳматли ва масъулиятли, аммо шарафли ишларда омадлар тилайман. Истагим, ҳаммашизларга ижодий қамолот ва шижоат ҳамроҳ, нигоҳингиз ҳолис, қаламингиз ўткир, сўзингиз бутун бўлсин. Байрам баҳона деҳқонободлик шоир Холмухаммад Ҳасаннинг қуйидаги шеърӣ сатрларини Сизларга илтим:

Воқеликан воқиф айлаб,
Кечиб зеру забарларлаан,
Эгурсиз кашф — буюк мантиқ,
Зарра муҷжа — хабарларлаан.
Тоҳи алқовда шайнингиз,
Ғоҳи гаровда жонингиз,
Ҳақ — Ўзи асрасин доим,
Сизни хавфу хатарларлаан.



Адолат ва инсонпарварликнинг муҳим мезони

«Либераллаштириш» — ижтимоий-фалсафий тушунча бўлиб, «либерал» сўзи латинча «liberus» — ҳур фикрли, эркинлик маъносини англатади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк кунларидан ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуриш, халқимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган нуносиб турмуш шароитларини яратиб бериш каби мураккаб вазифаларни мақсад қилиб қўйди.

Мазкур эзгу мақсадга етишиш учун мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг ғоялари ва бевосита ташаббуси асосида давлат ва жамият ҳаётининг барча жаҳонларида, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ислохотлар ва либераллаштириш жараёнлари босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу жараённинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришда инсоннинг узвий ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлашга, жиноий жазолар тизимини тубдан ислох қилиб, одил жазолар тайинлаш сиёсатини кескин юмшатиш, айни вақтда иқтисодий санкциялар ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган чораларни кенг қўллаш орқали жиноятчиликка қарши курашга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш кўламини кенгайтириш, суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш ҳамда қонун ҳужжатларини жаҳон стандартларига, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига мослаштиришни назарда тутди.

Суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви — бу қонунларга инсонийлик, адолат ва меҳр-муруват ғоялари сингдирилишидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқ қонунчиликка киритилган асосий ўзгаришлар қуйидагиларда ўз ифодасини топган. Хусусан, 1996 йил 27 декабрь кунги қонун билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркак ва аёлларга нисбатан жазони ўташ шароитлари ўзгаририлиб, колониялар турлари белгиланди. 1999 йил 20 август кунги қонун билан эса, ЖКнинг 29 та жиноят таркиби санкцияси энгиллаштирилиб, улардан 9 та ҳолатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қилиб белгиланди, 7 та модда бўйича аниқланган зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмаслиги белгиланди. 1996 йил 27 декабрдаги қонунга асосан ЖКнинг 50-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларига ўзгаришлар киритилиб, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркак ва аёлларга нисбатан жазони ўташ тартиблари ўзгаририлди, колониялар турлари белгилан берилди. Шунингдек, ЖКнинг 72-моддаси еттинчи қисми янги тахрирда баён этилиб, унда шартли жазо белгилаш тартиби ўта одил жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ноғиронлари, аёллар, шунингдек олтими ёшдан ошган шахслар бундан мустаснолиги белгиланди.

Жиноий жазолар либераллаштирилишининг яна бир эътиборга сазовор жиҳати шундаки, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтими ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу ЖКнинг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмини ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги қонунига асосан ЖКнинг 85-моддасига киритилган ушбу қоида янада либераллаштирилиб, вояга етмай туриб ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча одил бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмаслиги белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан ЖКнинг 50-моддаси саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар билан тўлдирилди. Уларга кўра, «Ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча одил бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болаларга бор аёлларга нисбатан, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиб ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмаслиги, суд томонидан жазони манзилан-колонияда ўташи тайинланган маҳрум сақлаш режими ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қис-

ми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказилиши белгилан қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жиноят қонунчилигида ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилишининг ўзига хос хусусияти кўп. Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддаси ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ инсонни ўз узвий ҳуқуқи ҳисобланган яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч ким, ҳатто давлат ҳам ҳақли эмас.

Қонунда умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари фақатгина жавобгарликини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан тайинлаши мумкинлиги белгилан қўйилди.

Шуни эътироф этиш лозимки, мамлакатимизда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан судланувчиларга жазо тайинлаш амалиёти тубдан яхшиланганига эришилди. Хусусан, 2010 йилда озодликдан маҳрум қилинганлар сони 16551 нафар бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 15131 тани ташкил қилган. Ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганлар 2010 йилда 37073 та бўлса, 2011 йилда бу 42980 тани ташкил қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрь кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни эълон қилиши бу борда одил борилаётган ислохотларнинг

Б.МАМАТҚУЛОВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

янги босқични бошлаб берди. Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган ушбу концепцияда таъкидланганидек, «Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди».

Концепциянинг аҳамияти ҳақида гапирганда, аввало бу ҳужжат мамлакатимизда жиноят қонунчилиги соҳасида амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг келгуси истиқболларини белгилаб берганига амин бўлиш мумкин. Шу сабабли келгусида мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларни янги даврга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун хизмат қилмоғи даркор.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг навбатдаги босқич вазифаларидан бири — инсоннинг конституций ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асосий жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлашга қаратилган механизмларни янада такомиллаштиришдан иборат бўлди. Бу вазифа Асосий Қонуниимизнинг 19-моддасида белгиланган қоидадан, яъни фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ҳеч қандай ҳақли эмаслигидан келиб чиқади.

Ижтимоий ҳимоя кафолати

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давлат сиёсатининг устувор жиҳатларидан биридир.

Дунё тани олган «ўзбек модели» тамойилларидан бири ҳам кучли ижтимоий ҳимоя саналади. Ушбу тамойил асосида одил борилаётган чора-тадбирлар, Президентимиз Фармонлари, қарорлари ва бир қатор қонун ҳамда қонунот ҳужжатлари мамлакат фуқароларининг фаровон турмуш кечиришларини кафолатламақда.

Прокуратура органлари аҳолининг ижтимоий ҳимоясини қонун талаблари даражасида йўлга қўйилишини мунтазам равишда назорат қилиб келмоқда. Жумладан, Ҳазорасп туман прокуратураси томонидан Республика Вазирилар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашнинг ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Қарори ва 16-18 ёшга бопалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги ҳамда шў соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши борасида тумандаги маҳалла фуқа-

ролар ййгинларида текшириш ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, Вазирилар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги ва Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда рўйхатга олинган «Ишламайдиган оналарга болани икки ёшга етгунча қадар парварши қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари асосида қўллаб элдошларимиз давлатимиз ғам-хўрлигидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Фарзандларимизни соғлом ва етук инсонлар қилиб тарбиялашда ижтимоий кўмакнинг ўрни катта бўлмоқда.

Бироқ, айрим фуқаролар ййгинларидаги масъул шахсларнинг эътиборсизлиги туфайли қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда. Чунончи, «Янгибозор» МФИда яшовчи фуқаро О.Бўёзованинг фарзанди 2011 йил 5 июнь кунин 18 ёшга тўлган бўлишига қарамайдан унга 2011 йил август-2012 йил январь ойларида жами 168 999 сўм миқдоридидаги нафақа пуллари нотў-

Умирбек МАДРАҲИМОВ,
Ҳазорасп туман прокурори

ри тайинланиб келинган.

Шу маҳаллада яшовчи З.Аташованин оила даромадлари ҳар бир аъзосига 84 779 сўмдан тўғри келиб, белгиланган мезоннинг 1,5 баробаридан 10 938 сўм зиёд бўлса-да, унга 2011 йил октябрь-2012 йил январь ойларида жами 297 440 сўм миқдоридида нафақа пуллари нотўғри тайинланган.

Фуқаро Н.Аптикаримованин турмуш ўртоғи М.Бобоевнинг ўртача ойлик маоши миқдори оила аъзолари жон бошига тақсимлаганда 198 570 сўмдан тўғри келди. Бу белгиланган мезьддан 121 733 сўм зиёд. Унга 2011 йил декабрь-2012 йил февраль ойларида 377 520 сўм миқдоридида нафақалар нотўғри тайинланиб, тўлангани маълум бўлди.

Бу каби қонунбузарликлар Питак шаҳри А.Ибрагимов номли маҳалла фуқаролар ййгинида ўтказилган текширишда ҳам аниқланди. Фуқаро Ро-

хатой Султонованин турмуш ўртоғи Қосим Сайидмаматов номига «Хусинбой ўғли Отамурод» фермер ҳўжалиғи раҳбари О.Солиев томонидан берилган сохта иш ҳақи маълумотнома-сига асосан Р.Султоновга 2010 йил ноябрь ойидан 2011 йил октябрь ойига қадар унч 1 млн. 105 минг 950 сўм миқдоридида икки ёшга бопаси бор ишламайдиган оналарга бериладиган нафақа нотўғри тайинланган.


Фуқаролар Ф.Рўзумова ва Г.Ибрагимова оилалари ижтимоий-иқтисодий аҳоли тахлил қилинганда уларнинг ҳам ўртача даромадлари миқдори белгиланган мезьдлардан анча ортиқлиги маълум бўлди. Бу фуқароларга тўланган нафақа пуллари ноқонуний деб топилди.

Текшириш якунларига кўра, нафақаларни нотўғри тайинлаб, тўлашига йўл қўйган, давлатга тегишли пулларни растрата йўли билан талон-торож қилган мансабдор шахсларга нисбатан жазо чоралари қўлланилди.

Республика ҳукуматининг кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсидида қабул қилган қарорларини ўз манфаатлари йўлида бузишга, берилган имтиёзларни суистеъмол қилишга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Бу жараён ҳар доим қонун ҳимоячилари назоратида бўлади.

«Кўнги́лбўшлик»

ёхуд директор опанинг кирдикорлари хусусида



лик» қилиб, унинг номига шу лицейни 2007 йилда намунали хулқ билан таълим олиш ҳақидаги шартнома бериб юборади. Кўп ўтмай эса, илтимос билан келган яна бир фуқаронинг ўзи раҳбарлик қи-

увчиларга тарқатилишини қайд этиш дафтарларини эгаллаб, уларни йўқ қилади.

Агар директор З.Шарипованинг шу каби турли илтимосларни бажарганини санаб, ҳар бир ҳолатни бирма-бир қайд этиб бораверсак, рўйхат яна анча чўзилиши табиий. Умуман олганда эса, директор опа ҳозир айтганимиздек, илтимосларга йўқ деёлмай, 2007 йилдан 2009 йилгача, яъни ишдан бўшагунга қадар жами 34 та ҳолатда ана шундай қонунбузарликка йўл қўйган. Бундан кўринадики, шунча ўқувчи аслида ўқимаган бўлсада, ўқиганлиги ҳақидаги шартнома эгаси бўлган.

Албатта, бу илтимосларнинг барчаси фақатгина озғани раҳмат эвазига бажарилмаган. Бунинг ортида анча-мунча моддий тарздаги рағбатлантириш тургани ҳам сир эмас.

Афсуски, З.Шарипованинг қилмишлари фақат шулардан иборат эмас экан. Маълум бўлишича, мактабда иш бошлаганининг иккинчи ойидан 2009 йилнинг июнигача бўлган муддатда мактаб ўқитувчиларига аванс ҳамда муқофот пуллари сифатида берилиши лозим бўлган 36 млн. 739 минг сўм маблағни банк муассасасидан тарқатиш учун, деб олади, деган қайдномаларидаги уларнинг имзоларини қалбакилаштириб, пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади. Шунингдек, ўзи дарс ўтмаган бўлсада, 2007 йилдан 2009 йилгача химия фанидан дарс ўтганиги ҳақида маълумотнома тайёрлаб, 930 минг сўмдан кўпроқ маблағни ўзлаштиради. Бундай ҳолатнинг из беришини эса директор опа кейинчалик суд жараёнида ўша пайтларда турли йиғилишлар ҳамда мактабни таъмирлаш ишларидан бўшамаганлиги тўғрисида из берган, дея изоҳлайди. Демак, бундан келиб чиқадикки, турли йиғилишлар у, таъмирлаш ишлари йўли билан икки ой тинмай давом этган экан-да! Унақада бошқа мактабларнинг раҳбарлари қандай йўл туташаётган экан?

Бундан ташқари, умуман ишлагани бўлсалар-да, биринчи лаборант, иккинчиси программист, яна бошқасини йўл ҳаракати хавфсизлиги фанидан дарс ўтган, дея бир неча ходимларнинг исм-фамилияларини табелларга киритиб, жами 4 млн. сўмдан ошқирқ маблағнинг талон-торож қилинишига сабабчи бўлади.

Булари-ку майли, аммо декрет таътилга чиққан ходимнинг 314 минг 672 сўм пулини унинг ўрнига имзо чекиб олишига директор опанинг виждони қандай йўл қўйди экан? Ёки мактаб кутубхонасидаги китобларни ижарага беришдан тушган 2 млн. 664 минг сўм пулни кутубхоначидан қабул қилиб олган, банкка топшириб, ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборганини қандай изоҳлаш мумкин? Ёхуд мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, ўқувчиларнинг ота-оналаридан мактабни жорий таъмирлаш учун дея ҳар бир синфдан 320 минг сўмдан, жами 10 млн. 506 минг сўм йиғиш ҳақида берган буйруғини-чи?! Тўри, мактаб таъмир-

дан чиқади, лекин аксарият ўқитувчилар ўша таъмирлаш ишларининг чала жойларини ўз ёнларидан маблағ ишлатиб, охирига етказишади.

Ўқувчилар таътилга чиққанларидан кейин деярли барча ўқув даргоҳлари таъмирлаш ишларини бошлашларини яхши биламиз. Бундай жараёндан, табиийки З.Шарипова раҳбарлик қилаётган мактаб ҳам мустасно эмас. Директор опа шу мақсадда 2008 йилнинг август ойида «Лок бўёқчи» МЧЖ билан шартнома тузиб, тегишли ҳисоб фактурага асосан 600 минг сўмлик 164 кг. бўёқ маҳсулотларини харид қилиб олади-да, уларнинг ишлатилгани тўғрисида санасиз далолатнома тузади ва шу ишга масъул комиссия аъзоларининг имзоларини қалбакилаштириб, шунча миқдордаги маҳсулотни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади. 2009 йил июнь ойида ҳам айнан шундай ҳолат такрорланади. Бу сафар ҳам тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, МЧЖдан 2 млн. сўмлик 502 кг. бўёқ маҳсулотлари олинди, яна юқоридаги усул билан ўзлаштирилиб, талон-торож қилинади.

2009 йилнинг июль ойида Халқ таълими мудирининг буйруғи билан эгаллаб турган вазифасидан вақтинча озод этилган директор опа, «этиб қолгунча, отиб қол» усулида иш кўради. Яъни, бу ҳақда ҳеч кимга билдирмай, июль, август ва сентябрь ойлари учун директор лавозимига тўланадиган 665 минг 243 сўм ойлик маошларни ҳам имзо чекиб олади. Кейин бўлса, мактаб ходимларининг имзоларини қалбакилаштириш йўли билан, уларга тўланиши лозим бўлган 8 млн. 671 минг сўм миқдордаги ойлик иш ҳақларини ҳам олиб, ўзлаштириб юборади. Маълум бўлишича, бу пуллардан 3 млн. 850 минг сўми ўқитувчиларнинг август ойи учун, 3 млн. сўми эса сентябрь ойига тўланиши лозим бўлган аванс пуллари экан. Шунингдек, бир ходимнинг 754 минг 298 сўм миқдордаги маошидан ташқари, бошқасининг 56 минг сўм суяночи пули ҳамда учинчисининг 1 млн. сўмдан кўпроқ пул маблағлари директор опанинг ҳамёнига қаппайтиради. 1 млн. сўмдан ошқирқ пулини сўраган ходимга директор опа пулларни ўзи олганини айтиб, уч-тўрт ойда қайтариб беришни ваъда қилиб, тилхат ҳам ёзиб беради-ю, аммо буни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Аниқланишича, директор опада бошқалари қатори «хोजатбарорлик ҳислати» ҳам мижасам экан. Ўзи мактаб директори бўлгани ҳолда, бошқа ўқув даргоҳларида ҳам кучим етати, дея шу мактабда ўқитувчилик қилувчи бир ходимнинг «Банк ҳисоб-кредит коллежи»нинг 3-курсидан четлаштирилган турмуш ўртоғини яна ўқишга жойлаб қўйишни ваъда қилиб, ундан 300 АҚШ доллари олади. Иш ҳал бўлмаса-да, пулни эгасига қайтармай, ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборади.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас яна бир таниши жиянини тиббиёт коллежига ўқишга қайтишга ёрдам сўраб мурожаат

Хуршид ЖАЛОЛОВ,
Ҳамза туман прокурори

қилганда, табиийки яна «кўнгилибўшлик» қилиб, устига-устак «хोजатбарорлиги» эсига тушади-да, унга йўқ дея олмайд. Фақат бу иш осонлик билан битмаслигига шама қилиб, бор-йўғи 1 400 АҚШ доллари миқдорда «хизмат ҳақи» сўрайди. Бундан хурсанд бўлиб, унга ишонган таниши дарҳол 200, кейинчалик эса яна 1 200 АҚШ доллари миқдордаги «хизмат ҳақи»ни унинг қўлига тутқазади. Бироқ, жияни ўқишга кира олмагани каби, пулларини ҳам қайтариб ололмади.

Шу орада фарзандини ўқишга киритиш дардида югуриб юрган яна бир ҳамюртимиз «хोजатбарор» директор опанинг дарагини эшити-ю, унинг ҳузурига югуради. Буни қарангки, у ҳам ўғлини тиббиёт коллежига ўқишга киритмоқчи экан. Табиийки, олди-га илтимос билан келганларга рад жавобини бериб, кўнглини чўктириш директор опага хос эмас. Шунинг учун танишларини ишга солиб, ёрдам беришни ваъда қилади-ю, бу сафар сал камроқ, атиги 1 200 АҚШ доллари билан иш битишини айтиди. Кўп ўтмай хизмат хонасида ундан айтилган миқдордаги пулни пора сифатида олади. Бу сафар ҳам бировнинг «хोजатини чиқариш» унинг қўлидан келмайди ва йиғитча ўқишга қиролмайди. Аммо шундай бўлса-да, пулни қайтаришни «эсидан чиқариб» қўйди.

Ҳар бир нарсанинг интиҳоси бўлади. З.Шарипова мактабга раҳбар бўлиб келиши билан муҳитнинг ўзгариб, аванс пуллари-ю, муқофот пуллари берилмай қолиши, ойлик маошлар билан нафақа пуллари берилишида ўзгаришларнинг из бериши, газначи бир четда қолиб, маошларни директорнинг ўзи тарқатишни бошлаши каби ҳолатлар охир-оқибат жамоанинг эътирозига сабаб бўла бошлади. Улар бу ҳақда З.Шариповадан сўрашди: «Қайси қилган хизматларингизга муқофот пули оласизлар?», — деган жавобни олиб, ҳайрон бўлиб қолишди. Кейинчалик бўлса, ойлик маошлар ведомостларга имзо қўйилмай, тарқатила бошланди. Ўқитувчилар ҳар қанча норозилик билдиришса-да, бу кунлар ўтиб кетар, дея сабр қилишди. Бироқ, бундай ҳолатлар бир марта эмас, қайта-қайта такрорланавергач, тоқталари тоқ бўлди-да, тегишли органга мурожаат қилишни лозим топишди...

Шундай қилиб, «Кўнгли бўшлиғи-ю» «хोजатбарор»лиги билан бировларга ёрдам қўлини чўзиш баробарида, аввало ўзининг нафсини қондириш ўз олдига биринчи галдаги мақсад қилиб қўйган директор опанинг ноқонуний фаолиятига ҳам низоҳат чек қўйлади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ўнга ақин моддалари тегишли қилмишлари билан айбдор деб топишган З.Шариповага қилмишига яраша жазо тайинлади.

Биз келажаги буюқ давлат барпо этаётган эканмиз, аввало, эртанги эгалари бўлган ёшлар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун уларга етарли таълим-тарбия бериш энг муҳим вазифаларимиздан эканлигини синхор унутмаслигимиз шарт. Бундай шарафли вазифани бажаришдаги асосий масъулият эса табиийки, аввало ўқитувчи-мураббийларга тушади. Зеро, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган вазифаларни бажариш, таълимни янгиллаш, келажаги буюқ юртимиз учун маънавий ва маърифий жиҳатдан камол топган, ўз халқи ва юртини севадиган, фидойи, малакали мутахассисларни етказиб беришдек унвон вазифани бошқа бирор касб эгалари улардек бажара олмайди. Дарҳақиқат, мактабдек улуғ даргоҳга нафақат касбига, балки ёшларга ҳам алоҳида меҳр қўйган инсонларгина қадам қўядилар, бор билим ва тажрибаларини келажақ авлодга беминнат ўргатадилар.

Фикримизча, 2000 йилда пойтахтдаги техник лицей директори лавозимда фаолиятини бошлаган Зарифа Шарипова(исм-фамилиялар ўзгаририлган) ҳам болалигидан уноқ ушбу касбга меҳр қўйган, ўқитиш-ўргатишлар, изланишлар натижасида, аста-секинлик билан маҳоратини ошира бориб, шу даражага етган бўлса керак. Етти йил давомидда ушбу даргоҳни бошқарган раҳбар 2007 йилнинг июнь ойида умумтаълим мактабига директор этиб тайинланади. Четдан қараганда, шунча йил раҳбарлик лавозимда меҳнат қилган инсонга мактаб директори сифатида фаолият юритиш унчалик қийинчилик тудирмайдими. Аммо, фақат четдан қараганда шундай кўринса-да, амалда бу ишнинг масъулияти анча-мунча оғир.

Буни қарангки, нима бўлди-ю, З.Шарипова ана шу масъулиятни унутиб қўйди. Аниқроғи, нафақат нафсининг измига кириб, балки «кўнгилибўшлик касали» га дучор бўлган директор опага ана шу масъулият юки оғирлик қила бошлади. Бундан-да хайрон қоларлик жиҳати, у бир вақтнинг ўзига икки даргоҳнинг раҳбарлигини ҳам эълай бошлади. «Кўнгилибўшлик»ка нима учун ургу берганимизни эса ҳозир билиб олмасиз.

Хуллас, З.Шарипова мактабда иш бошлаганига ҳали бир ой бўлмасдан туриб, сўнгги пайтларда лицейдаги ўқувчиларга келмаган, боз устига давлат имтиҳонига ҳам қатнашмаган талабанинг отасини қабул қилади-да, юқорида таъкидлаганимиз — «кўнгилибўш-

лаётган мактаб ўқитувчиси бўлган, бироқ 2006-2007 йилларда дарсларга умуман қатнашмаган, дарсларни ўзлаштирмай, битириш арасида давлат имтиҳонларига ҳам қатнашмаган қизига ушбу мактабни намунали хулқ билан битирган, дея шартнома тайёрлаб беради.

Охир-оқибат директор опанинг «кўнгилибўшлик» қилиб, илтимосларга йўқ деёлмаслиги шу даражага етдики, ўзи айни пайтда лицейга энди умуман алоқаси бўлмагани ҳолда, яна бир фуқаронинг илтимосини бажаришга киришади. Бу сафар ўша фуқаронинг бошқа тумандаги мактаблардан бирининг 8-синфда ўқийётган, ўқини битиришига ҳали бор бўлган ўғли 2008 йилда техник лицейни тугатганилиги тўғрисидаги шартномадан тайёрлаб, отанинг қўлига тутқазади. Бундан боши осмонга етган ота директорга 200 минг сўм пул бериб, шу йўл билан миннатдорчилигини изҳор қилади.

Шундай қилиб директор опа илтимосларга йўқ деёлмай, фаолиятини бошлайди. Натижада баъзи фуқароларнинг фарзандлари бошқа мактабларда ўқиган бўлсалар-да, зум ўтмай опа раҳбарлик қилаётган мактабни тугатган бўлиб чиқадилар. Бошқаларнинг болалари эса, остонасини кўрмаёқ, лицейни тугатганиликларига тўғрисидаги шартномаларга эга бўладилар. Булар-ку майли-я, директор опанинг бошқа мактаблардаги айрим ҳамкасablари ҳам худди ўзига ўхшаб илтимосларга йўқ деёлмас эканлар. Йўқса, пойтахтдаги мактаблардан бирида таълим олган ўқувчи қиз, қандай қилиб Тошкент вилоятидаги мактаблардан бирини битириб оларди?! Табиийки, бу иш ҳам опанинг бевосита аралашуви билан ҳал бўлади ва қизча бир йил олдин шартномасига эга бўлади.

Айтмоқчи, директор опанинг «кўнгли бўшлиғи»га яраша қаттиққўллиги ҳам бор экан. Чунончи, у лицей директори-лигидан озод этилган бўлиб, мактабда иш бошлаган бўлса-да, лицейни 2007 йилда 9- ҳамда 11-синфларини таъмоғлаган икки нафар ўқувчиға ўқини битирганлик тўғрисидаги шартномаларини бермай, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйди.

Мактаб директори-лигидан четлаштирилганда эса, лицейнинг 2007-2008 ўқув йиллари, мактабнинг 2008-2009 ўқув йилларидаги қатъий ҳисобда турувчи 9-синф журналлари ҳамда таянч маълумот берилгани тўғрисидаги гувоҳномаларни ҳисобга олиш ва

Пансионатдаги Ғоратчилар



"Ғоратчи" сўзининг лугавий маъносига қарайдиган бўлсак, "талон-торож қилувчи, таловчи, вайрон қилувчи, бузувчи", деган маъноларни англатишига ғувоҳ бўламиз. Шундан келиб чиқиб, мақоламиз "қаҳрамонлари" Маҳмуд Бакиров(исм-фамилиялар ўзгартirilган) ва Абдулла Салимовларга "Ғоратчилар" дея таъриф берсак бўлади. Негаки, уларнинг бири Республика уруш ва меҳнат фаврилари пансионати директори, иккинчиси бош ҳисобчиси лавозимларида ишлаб келиб, мансаб ваколатларини сунистеъмом қилган ҳолда, жуда кўп миқдордаги давлат маблағларининг талон-торож қилинишига йўл қўйишган.

М.Бакиров ҳамда А.Салимовлар ўзаро жиноий тил бириктириб, 2010 йил ва 2011 йилнинг 8 ойи давомида пансионатда 4 нафар фуқаронинг мавжуд тартибига зид равишда бюджет ҳисобидан яшашига имкон яратиб бериб, 8 млн. 257 минг сўм миқдордаги давлат бюджетни маблағларини талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, икковлон келишган ҳолда меҳмонхонада пуллик асосда вақтинча яшовчилар учун тасдиқланган калькуляцияга амал қилмай, келувчиларнинг белгиланган ставкадан кам миқдордаги хизмат ҳақлари эвазига яшашларига йўл қўйиб, ҳисобот даврида 15 млн. 512 минг сўмдан ортиқ миқдордаги хизмат ҳақларининг ундирилмай қолинишига сабабчи бўлиб, оқибатда давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказишган. Шунингдек, 2010 йил ва 2011 йилнинг 28 сентябрь кунига қадар пансионатда вақтинча пуллик яшаётган 63 нафар қарияга кўрсатилган хизмат ҳақи учун ҳисобланган 66 млн. 185 минг 500 сўм ўрнига амалда 50 млн. 881 минг 600 сўм ундирилган. Бюджет ҳисобидан ва пуллик асосда яшовчи қарияларнинг оқватлашилари учун турли ҳисоб-китоб юритилган бўлса-да, икки масъул шахс томонидан вақтинча пуллик яшаётганда кўрсатилган хизмат ҳақларини ундириш чоралари қўрилмагани ва пуллик яшовчиларнинг бюджет маблағлари эвазига яшовчилар ҳисобидан оқватлашилари йўл қўйилганилиги натижасида, 2009 йилдан 2011 йилнинг 1-ярим йиллигига қадар давлат манфаатларига жами 28 млн. 713 минг сўм миқдорда зарар етказилган.

Кимдир юқоридагиларни ўқиб, эҳтимол улар вазиятга қараб, киминдир шариотидан келиб чиқиб, ҳоҳатбарорлик қилишгандир, деган фикрга келиши мумкин. Аммо далиллар уларнинг ўш мансаб ваколатларини сунистеъмом қилганликларини оқибатда ана шундай қонунбузилиш ҳолатлари юз берганини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, М.Бакировнинг шунча қилмишлари етмагандай, мавжуд тартиб-қоидаларни назарга илмай, пансионат биналарини ўзи истаганича ижарага бериб юборганига нима дейиш мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат

мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарориди давлат мулки балансида бўлган сакловчиларнинг мансабдор шахслари ўз тасарруфларидаги фойдаланилмаётган бино ва иншоотларни ижарага Давлат мулк қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги "Давлат мулкни ижарага бериш маркази" давлат корхоналарининг ижарага берувчи сифатида мажбурий иштирокидаги ижара шартномаси асосида берилиши белгиланган. Бироқ, М.Бакиров бу тартибни менсимай, қарор талабларини кўпол равишда бузгани ҳолда пансионатнинг киноклубини "Bakery Product" МЧЖга, омборхона биносини "Super Mebel" МЧЖга ижарага бериб, давлат манфаатларига 2 млн. 118 минг сўм миқдорда зарар етказди. Бир жиноят иккинчисига кўприк вазифасини бажаргани каби, унинг бу хатти-ҳаракати яна бир талон-торожликка сабаб бўлади. М.Бакиров томонидан юқорида номлари келтирилган ҳўжалик йортувчи субъектларнинг пансионат ҳудудида нон ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришда электр энергиясидан асосиз фойдаланишларига замин яратиб берилганлиги оқибатда "Bakery Product" МЧЖ 3 млн. 683 минг сўмлик, "Super Mebel" МЧЖ эса 890 минг 840 сўмлик зарар етказди. Умумий қилиб айтганда, пансионатда электр энергиясидан оқилона фойдаланилмаганлиги натижасида давлат манфаатларига жами 6 млн. 199 минг 358 сўмлик зарар етказилди.

Пансионат директоридаги ўзига яраша "курси"ни эгаллаб ўтирган М.Бакиров оддийгина хизмат кўрсатиш қоидаларидан беҳабар чоғи, масканга қарашли меҳмонхона ва қарияларга пуллик хизмат кўрсатиш тармоғидан тушган нақд пулларнинг қатъий ҳисобини юритиш учун фискаль хотирага эга бўлган назорат касса машинасини ўрнатиш лозимлигига "ақли етмайди". Бунинг натижасида 2009 йилдан ва 2011 йилнинг 22 сентябрга қадар пансионат бўйича жами 190 млн. 849 минг 558 сўм миқдордаги пул маблағлари давлат солиқ идораларининг қатъий ҳисобида турмайдиган қирим ордерлари асосида қабул қилиниб, жуда кўп миқдорда хизмат кўрсатиш қоидалари бузилади.

Улугбек АНВАРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
АМИБ терговчиси
Мақсудали ҚАМБАРОВ,
«Huquq»

Маълумки, раҳбар дегани ходимларни ишга қабул қилишда ёки иш ҳажми ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ходимга қўшимча лавозим ва вазифалар юклатганда уларнинг зарур малакага эга эканлигига ҳамда мутахассислигига алоҳида эътибор қаратиши керак. Аммо М.Бакиров бош ҳисобчи А.Салимов билан тил бириктириб, ходимларни салоҳияти ва мутахассислигига қараб эмас, аксинча, бошқа гаразли мақсадларни кўзлаб ишга қабул қилади ва қўшимча вазифалар юклайди. Табиийки, таниш-билишчилик асосида ишга кириб олган ёки қўшимча иш ҳақи билан сийланган ходимлар ғоратчи раҳбарнинг кирдиқорларини ҳеч кимга "гуллаб қўймайди". Жумладан, электрга алоқаси бўлмаган Д.Саматовни 1,5 ставка билан электрик лавозимига тайинлашни, бундай мутахассисликка эга бўлмаган С.Саматов ва Н.Арзикюловларнинг ҳар бирига 0,5 ставкадан ушбу вазифанинг қўшиб берилиши, ҳамшира Ш.Турсунованинг олий тоифали ҳамширалик мuddати тугаганига қарамай, ушбу тоифа учун иш ҳақи ҳисобланиши ва шу каби бир қатор ҳолатлар натижасида жами 6 млн. 731 минг 200 сўм миқдордаги давлат бюджетни маблағлари растрата қилиш йўли билан талон-торож қилинади.

М.Бакиров А.Салимов билан бир ёқдан бош чиқариб, пансионатни юртимизнинг энг номдор масканига айлантириш ҳақида бош қотиришдан кўра, уни талашни, талон-торож қилишни, яъни ғорат қилишни маъқул қўрди. Икковлон мансаб ваколатларини сунистеъмом қилган ҳолда давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишди. Бундай зарарқунданликни ҳеч қандай баҳонаи сабаб билан оқлаб бўлмайди. Аммо мамлакатимиз қонунларида инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлик каби муқаддас тушунчаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судида М.Бакиров ва А.Салимовларнинг жиноят иши қўриб чиқилди. Суд томонидан айбдорларнинг қилмишларига чин дилдан пушаймон эканликлари, муқаддам судланмаганликлари, дастлабки тергов даврида давлат манфаатларига етказилган 84 млн. 238 минг 529 сўм миқдордаги зарарнинг тўлиқ қопланганлиги инobatта олиниб, улар Олий Махлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги амнистия тўғрисидаги қарори 2-бандига мувофиқ жазодан озод қилинди.

Бутун дунёда гиёҳвандликка қарши қатъий чоралар олиб борилишига қарамай, ҳалигача бу иллатни илази билан кўпориб ташлашнинг иложи бўлмапти. Унинг нақалар хавфли эканлиги ҳақида қанчалик кўп бонг урилиб, инсониятни унинг таъсиридан тийилишга даъват қилинмасин, гиёҳвандлик балоси одамларни ўз домига янада кўпроқ тортиб бормоқда...

Оғуфтуруш аёл

О.АБРОРОВ,
Олмазор туман прокурори ёрдамчиси

"Ажал оғуси" инсоният қаршида турган энг хавфли рақиблардан бирidir. Онгли мавжудот ҳисобланган инсон онгсизларча бу оғудан "хузур" қилади. Аммо ана шу қисқа мuddатли "хузур" аслада ажал сиртмоғи эканлигини англаб етмайди. Гиёҳвандликнинг охири эса қашшоқлик ва ўлимдир. Гиёҳвандлик шунингдек, уюшган жиноятчилик, ўғрилик, талончилик, терроризм каби иллатларни ҳам келтириб чиқаради. Энг хавфлиси у ОИТСга сабаб бўлади.

Энг ачинарлиси, гиёҳвандликка қалинган аъзо яшайдиган оилада туғилаётган гўдакларнинг аксарият қисми ногирон, майиб-мажруҳ бўлиб дунёга келмоқда. Бу эса бу иллатнинг инсоният келажиги учун ҳам нихоятда хавфли эканлигини англатади.

Гиёҳвандлик шундай хавфли офат экан, унинг савдосига аёлларнинг бошқача қилиб айтганда, оналарнинг ўрлашиб қолаётганини қандай тушуниш мумкин? Ахир улар "ажал оғуси" сабаб, майиб-мажруҳ фарзандлар дунёга келишини яхши англашади-ку!

Нодира Абдуллаева(исм-фамилиялар ўзгартirilган)нинг ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, унинг аллақачонлар "аёл" деган номга доғ тушириб бўлганига ғувоҳ бўламиз. Негаки у 2003-2009 йиллар давомида 4 марта суднинг қора курсисини "банд" этган. Бундай ҳолат биз "нозик хилка", дея эъозлайдиган аёл зотиға хос эмас; албатта. Аввалига ҳукуматимиз унга хатоларидан хулоса чиқариб, ҳалол яшаш учун имконият берди. Бироқ, Нодиранинг "ўрганган кўнгли ўртанавериб", яна эски ҳунарларини бошлади. Олдинги бировларнинг ишончига кириб, фарибгарлик билан шуғулланган, кейин анчагина сердармод кўринган гиёҳванд моддалар савдосига ҳам қўл урди. "Кўр кўрни қоронғуда топади" деганларидай, ўзи каби бир неча бор суд залининг "хавосидан баҳра олган" Шариф Азизов билан тил топишди. Шариф унга ҳам шерик, ҳам миқоз эди.

2011 йил май ойининг ўрталарида Нигора Шарифга кўнғироқ қилиб, "мол" олмоқчилигини айтиб қолди. Аммо Шариф аҳоли танглиги, агар унинг ўзи "қорадори"ни етказса, сотиб, пулни қилиб бериши мумкинлигини маълум қилди. Шундан сўнг, Нигора ургутлик Муҳаббат исмли аёлга, яъни "таъминотчи"сига кўнғироқ қилиб, буюртма берди ва Олмазор туманида жойлашган "Тошкент-Самарқанд" йўналиши бўйича қатъийдиган йўловчи автомобиллар бекатига бориб, нотаниш хайдовчидан 1 млн. сўм бериб юборди.

Пул "таъминоти"га етказилган кўнғир эртасига Нигоранинг кўл телефониға кўнғироқ бўлиб, бир нотаниш аёл "бандерол" бериб юборатганини айтиди. Нигора гарчи унинг қилмигини танимаса-да, Муҳаббатнинг одами бўлса керак, деган ҳал-ёлга борди.

Шу кун Нигора ҳар қачонгидан ҳам тоқатсизланиб, "мол"нинг етиб келишини кутди. Хайдовчи қачон кўнғироқ қилиб қолар экан, деган ўй билан тез-тез кўл телефониға қараб ўтирди. Ниҳоят, телефони жиринглаб, қўнғли анча таскин топти. Хайдовчи 20 дақиқада Олмазор туманидаги "Тошкент" шох бекати ёнида учрашишни таъинлади. Нигора таралдуланиб, ўғлини етказлаганча, айтилган вақтда, белгиланган манзилга ётиб борди. Хайдовчини топиб, ундан полистилен пакетга жойланган 23,41 грамм гиёҳвандлик моддасини олди-да, бу ердан энди жуфтакни ростламоқчи бўлиб, 4-5 қадам ташлаган ҳам эди, қаршидан чиққан ҳўкунчи муҳофаза қилувчи орган ходимларига қўзи тушиб, эсанқираб қолди...

Шу тариқа Нигора Абдуллаеванинг жиноий ҳаракатига қеч қўйилди. Суд томонидан айбдорға қилимишига яраша жазо тайинланди. Унинг "ҳамтовори" Шариф Азизов ҳам жазодан қутулиб қолмади.

Жиноятға жазо муқаррар. Буни юқоридаги ҳолат ҳам яна бир бор тасдиқлаб турибди. Аммо дилни вайрон қилдиганини "ажал оғуси" бугун қанчадан-қанча оилалар бошига чексиз қулфлардан ёғдириб, гўдакларнинг майиб-мажруҳ туғилишига сабаб бўлмоқда. Наҳотки, нафс деган бало Нигоранинг оналиқ хиссини бутунлай емириб ташлаган бўлса?..

Рагбат ва эътибор

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласига катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги "Тугридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бунинг амалдаги йўналишидир.

Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлариغا бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йигилишидаги маърузасида иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳаҷмда хорижий инвестициялар жалб қилинганлиги, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эканлиги таъкидлаб ўтилди. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан, қорхоналар ва аҳоли маблаглари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаяётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жағмаралар маблаглари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Президентимизнинг Фармонида прокуратура органларига барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг хорижий инвесторлар ҳамда хо-

рижий инвестициялар ишти-
рокдаги корхоналарнинг
ҳуқуқ ва қафолатларини ҳи-
моя қилиш бўйича амалдаги
қонун ҳужжатларига сўзсиз
риоя этишлари устидан катъ-
ий назорат ўрнатиш, бу соҳа-
даги қонунбузилишларнинг
олдини олиш ва айбдор ман-
сабдор шахсларни жавобгар-
ликка тортиш бўйича таъсир-
чан чоралар қўриш вазифаси
юклатилди.

Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Бош прокурорнинг жорий йил апрель ойидаги кўрсатмаси жойларга юборилиб, мазкур кўрсатма асосида вилоят прокуратураси органлари томонидан ташқи иқтисодий фаолият ва хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан қатъий прокурорлик назорати ўрнатилди. Хорижий инвесторлар ва экспорт қилувчи корхоналарнинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралаштиш, бюрократик тўсиқлар яратиш, тадбиркорлик эркинлигини чеклаш каби хатти-ҳаракатларни бартараф эттишга қаратилган чоралар кўриб келинмоқда.

Хусусан, вилоятда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналар фаолияти билан боғлиқ электрон шаклдаги маълумотлар базаси ташкил этилиб, улар фаолияти таҳлил қилиб борилмоқда.

ва шу асосда уларнинг муам-
моларини ҳал этиш чоралари
кўрилмоқда.

Навоий вилоятида 2012 йил январь-март ойларида асосий капитални қўпайтиришга 283,9 млрд. сўм миқдориди инвестициялар жалб қилинди ва ўсиш суръати 2011 йил шу даврига нисбатан 174,8 фоизни ташкил қилди. Вилоят иқтисодий салохиятини оширишда ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва экспортни оширишга эътибор қўйилди. Вилоятда ташки савдо айланмаси 2009 йилга нисбатан 2011 йилда 118,7 фоизга ҳамда экспорт ҳажми 125,2 фоизга ошган. Бу кўрсаткич ўз навбатида фаолият қўрсатаётган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хориж мамлакатларида хариддорлигини кўрсатади. Рўйхатдан ўтган кўшма корхоналар сони буғунги кунда 54 тани ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида "Ҳорижий инвестициялар тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Ҳорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида"ги Қонунлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2008 йил 2
декабрдаги 4059-сонли Фар-
мони асосида "Навоий" эркин

Равшан ИБРАГИМОВ,
Навоий вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

индустриал-иктисодий зона-
си ташкил этилган эди. Ушбу
Фармонга асосан Ўзбекистон
Республикасидаги биринчи
эркин иқтисодий зона Навоий
вилоятининг маъмурий маркази-
дан 20 километр узоқликда
564 га. майдонга эга ҳудудда
бунёд этилди. 2010-2011 йил-
ларда ушбу ҳудудда 17 та
лойиха бўйича маҳсулот ишла-
б чиқаришни бошлаш бел-
гиланган бўлиб, шундан 12 та-
сида қурилиш ва монтаж иш-
лари тўлиқ тугатилди. Ушбу
лойихаларнинг 10 тасида ма-
сулот ишлаб чиқариш бошлаб
қўборилди. Шунингдек, ҳо-
зирги кунда "Навоий" ЭИИЗ-
да юк оқимлари ташувини
таъминловчи коммуникацион
таъсими шакллантириш мақ-
садида Ўзбекистон Республи-
каси Президентининг 2008
йил 31 декабрдаги 1027-сон-
ли Қарорига асосан Навоий
шаҳри аэропорти базасида
халқаро интермодаль логис-
тик маркази (ХАБ) ташкил
этилди.

Жаҳонда юк ташишда етакчи ҳисобланган Корея Республикасининг "Кореан Эйр" авиакомпанияси билан эришилган узоқ муддатли келишувга асосан Навоий шаҳри аэропорти модернизация қилиниб, юқорида таъкидланган халқаро интермодаль логис-

тик марказ фаолияти йўлга қўйилди. Логистик марказда кунига 300 тонна юкни тақсимлаш қувватига эга бўлган юк терминали ишга туширилди. Хозирда ҳафтасига 30 дан ортиқ юк рейслари дунёнинг Сеул, Милан, Шанхай, Москва, Дубай, Мумбай, Дехли, Бангкок, Франкфурт, Брюссел, Вена, Истамбул каби шаҳарларига амалга оширилмоқда. Юк оқими ҳажмини ошириш мақсадида ушбу терминал қувватини кунига 1000 тоннага етказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳорийий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга доир оқорида келтирилган Фармон мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида вилот прокуратураси ташаббуси билан Навоий эркин иқтисодий индустриал зонасининг катта мажлислар залида семинар-йигилиш ўтказилди. Семинарда вилот ҳоқимлиги, прокуратураси, адлия бошқармаси ходимлари, назорат килувчи органлар, 50 дан ортиқ чет эл инвестицияси жалб қилинган корхоналар ва оммавий ахборот воститаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Семинар-ингилишда ишти-
рокчиларнинг саволларига
мутахассислар томонидан жа-
воблар берилди. Хорижий ин-
вестициялар иштирокидаги
корхоналарнинг ҳуқуқ ва эр-
кинликларининг самарали
ҳимоясини таъминлаш проку-
ратура органларининг энг му-
ҳим устувор вазифаларидан
бири эканлигига алоҳида
эътибор қаратилди.

Биометрик паспорт аҳамияти ва афзалликлари

Истиклол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сийсий ўзгаришларни бир сўз билан фодолаб бўлмайди. Утган йилларда Ўзбекистон бир неча халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Шулардан бири, Халқаро Ҳуқуқро авиация ташкилоти (ИКАО)дир. Бу ташкилотга аъзо давлатлар эга, 2010 йилдан эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори химёо даражасига эга Ҳуқуқро паспортларининг жорий этилишини таъминлашлари шарт. Мамлакатимиз мазкур ташкилотга аъзо бўлгач, 2009 йил 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини ананда тасмиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, мамлакатимизда биометрик маълумотларга эга паспортларнинг жорий этилиши халқаро Ҳуқуқро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбақлаштирилишига қарши химёо даражасини ошириш, давлат chegarасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмлрини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар

сифати ва самарадорлигини оши-
ришга қаратилгандир.

Ҳозирги кунда биометрик паспортлар дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида жорий этилган.

Биометрик паспорт республика хууддунда четта чикши билан бирга, хорижий давлатларга кириш хукукнин берувчи хужжат хисобланади. Аинни пайтда мамлакатимизда биометрик паспортларни расмийлаштириш ишлар боскимча-боским, хууддларга булингн холда амалга ошириб келин-моқда. Биринчи боскимча республика вазирликларни, идораларни, муасса-саларни хизматчиларига, хорижга чи-каётган ёки чет элдаги жимсоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тулган ёки конунчилике кўзда тутил-ган бошқа сабабларга кўра, паспорт олаётган фукароларга берилди.

Иккинчи босқичда қонунда белгиланган тартиб бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро талабларга мос бўлган биометрик паспортнинг жорий этилиши давр талабидир.

Паспорт шахсининг қайси давлат фуқароси эканлигини аниқлаб турадиган муҳим ҳужжат экан, у халқаро талабларга ҳам жавоб бериши лозим. Биометрик паспортнинг зарурати шун-

даки, паспорт виза билан боғлиқ хуж-
жатларнинг хавфсизлигини таъмин-
лайди, фуқароларимизга дунёнинг
барча мамлакатларида эркин юриш
имкониятини яратди.

Биометрик паспортнинг амалдаги фуқаролар ҳужжатидан фарқи, унинг химоя тизими қулайтирилганида бўлиб, уни қалбакилаштиришнинг имкони йўқ. Бунда айрим фибрибрга шахслар томонидан қўлбола ҳужжат тайёрлашнинг олди олинади. Паспортнинг орқа мукovasига joyлаштирилган махсус қурилма(чип)га фуқаро, яъни паспорт эгасининг биометрик маълумотлари электрон нусхаси киритилади. Фуқаролар халқро аэро-порт, чегара пунктларидан ўтаётганда, шахсини идентификация қилиш осонлашади.

Компьютер қурилмасида атиги бир соғия ичида шахс ҳақидаги маълумотлар акс этади. Бу эса жиноят содир этиб, қочиб кетмоқчи бўлганларни қўлга олиш, уюшган жиноятчилик, терроризм каби ҳолатларга қарши кураш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлашда қўл келади.

Вилоятимизда ҳам фуқароларга биометрик паспортларни расмийлаштириш ишлари қизгин кетмоқда. Маълумки, фуқаролардаги эски нусхадаги паспортлар янги намунадагисига 2015 йилнинг 31 декабрига

қадар алмаштирилиши кўзда тутилган.

Биометрик кўйиб бериш жараёни аввалгидан анча фарқ қилди. Фуқаролик ҳужжати олиш учун ариза берган шахс оддий фотоаппарат эмас, балки махсус ускуна ёрдамида суратга олинди ва барча бармоқ изларининг фотонусхаси туширилди. Шундан сўнг уш ҳақидаги барча маълумотлар билан танишиб чиққан фуқаронинг туғилганлиги ишонч ҳосил қилгач, имзо қўйиб тасдиқлади.

Паспорт олаётганда эса кўрсаткич бармоқ изи сурати яна қайд этилади. Бу ҳужжат фақат эгасига берилади, бошқа шахс томонидан олиниши мумкин эмас.

Мамлакатимизда халқаро талабларга жавоб берадиган бу муҳим жараённинг муваффақиятли амалга оширилиши учун жойларда зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, республикамизнинг ҳар бир фуқаросини янги ҳужжат билан таъминлаш борасида бор имкониятлар ишга солинмоқда. Ушбу ҳужжатнинг мукаммал, қучли ҳимояга эга паспортга айланмаётганлиги барчани бирдек қувонтирди.

[illegible]

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг Тошкент шаҳар филиали орқали
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги
27-сонли қарори бўйича танлов савдоларида сотилган кўчмас мулк**

№	Объектнинг номи	Жойлашган жойи	Минимал қиймати (сўмда)	Сотилиш қиймати (минг сўмда)
Тошкент шаҳар				
2012 йил 22 майда сотилган қўчмас мулк				
1	Қурилиши тугалланмаган 5 қаватли ишлаб чиқариш биноси	Тошкент ш., Чилонзор т., Байналминал кўчасида	323 982,800	330 000,00

Адолатни шиор қилиб



Юсупбой Машарипов ҳаёт йўлини оддий ишчиликдан бошлаган. Кейинчалик Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ҳуқуқшунослик факультетига сиртдан ўқишга кирди. Шунинг баробарида Қўшқўпир туман халқ судида котиб сифатида иш бошлади. 1982 йилда эса Хоразм вилоят адлия бошқармасига катта

маслаҳатчи қилиб тайинланди. Шу йилнинг ўзига Қўшқўпир туман прокуратурасида иш ўрганувчи терговчи сифатида иш бошлади.

Вилоят прокуратурасининг тергов бўлими прокурори, судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича катта ёрдамчиси, Хонқа туман прокурори, Янгиарик туман прокурори, вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси, прокуратура органларида терговни назорат қилиш бўлими прокурори, Янгибозор, Шовот туман прокуратураларида терговчи вазифаларида фаолият кўрсатди. Юсупбой Машарипов айти пайтда Хива туман прокурорининг ёрдамчиси вазифасида фаолият юритмоқда ва шу кунларда ўзининг 60 ёшини қаршиламақда.

Мудом адолат тантанаси учун курашиб келган, бу курашнинг ҳаёт мазмуни деб билган Юсупбой Машариповни таваллуд айёми билан муборакбод этар эканимиз, энг эзгу тилакларимизни йўллаймиз. Бахтимизга соғ бўлинг, фарзандлар камолини, неваралар бахтини қўришдан чарчаманг дейимиз!

Сардорбек ИСМОИЛОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Журналнинг янги сони

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон қасба уюшмалари федерацияси ҳаммуассислигида чоп этиб келинаётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналнинг 1-soni нашрдан чиқди.

Журнал "Мустақкам оила йили"га бағишланган бўлиб, Нигматилла Йўлдошевнинг "Оила — жамият таянчи" ва Анвар Аҳмедовнинг "Жамият барқарорлигининг асоси" номли шу мавзуга оид мақолаларида мамлакатимизда оила мустақкамлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ҳусусида сўз юритилади.

Маълумки, жорий йилда юртимизда ҳаётимизнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги кенг нишонланади. Бу унутилмас сана муносабати билан журнал таҳририяти туркум таҳлилий материаллар бериб боришни режалаштирган. Акмал Саидовнинг "Ўзбекистоннинг ўз конституциявий

моделли" номли мақоласи бунинг илк нишонаси сифатида эълон қилинган. Шунингдек, журналдан суд-ҳуқуқ ислохотларининг самаралари таҳлилга бағишланган мақолалар ҳам ўрин олган.

"Ҳуқуқ назарияси муаммолари" рукнида чоп этилган Луқмонжон Исоқовнинг "Ҳуқуқий тилшуносликда таҳрир, талқин ва таржима" номли мақоласида ҳуқуқий тилшуносликда таҳрир, талқин ва таржима масалалари жуда муҳим ўрин эгаллаши, у ёки бу тилдан бирор ҳуқуқий матннинг аслича, ҳолисона ўғирлиши учун ушбу тушунчаларнинг кетма-кет занжирига ҳамда тартибига амал қилиниши лозимлиги борасида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Булардан ташқари журналда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига", "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Фирқа қарши Фирқ, қонга қарши қон", "Тарих саҳифаларида" ҳамда "Ўзбекистон ва жаҳон" каби руқналар остида ҳам бир қатор таҳлилий ва мулоҳазали материаллар эълон қилинганки, буларнинг ҳеч бири ўқувчини бифарқ қолдирмайди.



Соғлом авлод учун

Мамлакатимизда оналик ва болалик муҳофазасини тубдан яхшилаш юзасидан соғлиқни сақлаш тизимида соҳани ривожлантиришга доир ислохотлар давом этмоқда.

Гули ХОЖИБОЕВА,
"Huquq"

Жорий йилнинг 18 июнь кунини Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар, истиқболдаги режалар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақкамлаш маркази, республика ихтисослаштирилган Акusherлик ва гинекология илмий-амалий тиббий маркази, Перинатал ва скрининг марказлари, республика туғруқ комплекслари бош шифокорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Матбуот анжуманида Президентимиз томонидан 2009 йил апрель ойида қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори соҳа ривожини йўлида янги имкониятларни очиб беришга сабаб бўлганлиги эътироф этилди. Қишлоқ врачлик пунктларининг репродуктив саломатлигини мустақкамлашдаги асосий вазифалари — соғлом оилани шакллантиришга қўмаклашиш, аҳолининг тиббий савиясини ошириш, болаларни эмлаш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг, айниқса, фертил ёшдаги аёлларни, болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш, ҳомиладор аёлларнинг эрта муддатларда назоратга олиб, асоратларнинг олди-

ни олиш, скрининг текширувидан ўтказиш ҳамда микро-нутриентлар билан ўз вақтида таъминлашга доир ишлар ўз вақтида олиб борилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Маърузачилар томонидан аҳоли орасида тушунтириш, ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришда жамоа ташкилотларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатилаётганлиги, шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда 6491 нафар умумий амалиёт шифокорлари (УАШ)нинг ҳамда бирламчи бўғинда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг фаолияти ҳам таҳлил этилди.

Анжуман якунида маърузачилар оммавий ахборот воситалари ходимларининг қизиқтирган саволларига жавоб беришди.



Жорий йилнинг 8 июнидан старт олган Европа чемпионати 1-турнинг ўзигаёқ мухлисларга бир қатор аjoyиб ва мурасиз баҳсларни тақдим этди.



Чорак финалчилар аниқ

Илк учрашувдаёқ майдондан четлатишлар, полялардарвозаси томон пенальти белгиланиши ва дарвозабоннинг маҳорати, русларнинг Европа чемпионлар лигаси финалида қаҳрамонлик кўрсатган посбон Петр Чех дарвозасига 4 та гол киритиши, футбол тили билан айтганда, "ўлим гуруҳи"нинг аутсайдер Дания терма жамоасининг чемпионлик учун асосий даъворгарлардан бири ҳисобланган "учар голландлар" устидан галаба қозониши, амалдаги Европа ва Жаҳон чемпиони Испания терма жамоасига муаммолар гирдобиде қолган италияликларнинг муносаб қаршилиқ кўрсатиши, чемпионатга қадар мухлисларини хавотирга солаётган Украина термасининг Ибрагимович сардорлигидаги шведлар устидан галабага эришиши, дастлабки ўйинлардаёқ дунёнинг энг кучли термаларининг бир-бирига рубару келиши — буларнинг барчаси катта ҳаяжоннинг бурюсаси эди, ҳолос.

Ана шундай бурюсасиз ўйинлар билан бошланган Европа чемпионатининг гуруҳ баҳслари якунланиб, чорак финалга чиққан жамоаларнинг номи аниқ бўлди. Энг қизиғи, сўнгги жаҳон чемпионати финалчилари бўлиши Голландия терма жамоаси ўз гуруҳида бирорта ҳам очко йиға олмай, сўнгги ўринда қолиб кетишди. Мусобақани йирик ҳисобдаги галаба билан бошлаган Россия термаси эса гуруҳ баҳсларидан кейинроқ орталарга қайтишга мажбур бўлишди. Аксинча, илк турда уларга мағлуб бўлган чехияликлар кейинги икки ўйинда галаба қозониб, гуруҳ голиби сифатида мусобақани давом эттирадиган бўлди.

Мусобақа мезбонлари эса ўз мухлислари қаршисида фақатгина гуруҳ ўйинларини

ўтказиб, буёғига томошабин сифатида майдонга ташриф буюришлари мумкин, ҳолос.

Умуман олганда, гуруҳ ўйинларининг ўзиёқ кескин ва мурасиз баҳсларни тақдим этди. Бундан буён ҳар бир жамоа галаба қозониш учун максимал даражада ҳаракат қилишга шубҳа йўқ. Чорак финалнинг илк учрашувини бугун тунда Чехия ва Португалия терма жамоалари бошлаб беришади. Қуйида қолган жуфтликлар билан танишишингиз мумкин.

1/4 ФИНАЛ

21 июнь Чехия — Португалия
22 июнь Германия — Греция
23 июнь Испания — Франция
24 июнь Англия — Италия

Максудали ҚАМБАРОВ,
журналист

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси Исмаилов НОРМАТОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy GOIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqiz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtalari nazardan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-4804. 50 983 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Musahhih: M.DAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yl 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

